Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 йил чиқиши. № 6 (13.566). 7 ЯНВАРЬ. 1967 йил ШАНБА Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИНГРАДДА БАЙРАМ

ЛЕНИНГРАД, 5 январь. (ТАСС). Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ленинградликларнинг жанговар ва гражданлик шавкатига юксак баҳо беришди. Ленинград области Ленин ордени билан мукофотланганлиги тўғрисидаги хабар областнинг ҳамма жойида шодликни кучайтириб юборди.

Областга Ленин ордени топширмоқ учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов Ленинградга келди.

С. М. Киров номидаги академик опера ва балет театри биносида мукофот топширишга бағишланган тантанали мажлис бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари В. С. Толстиков, Ленинград шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Г. И. Попов, Ленинград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси А. А. Сизов, Ленинград область Совети ижроия комитетининг раиси Г. И. Козлов ва бошқалар президиумда пайдо бўлишлари билан уларни йиғилиш аҳли қизғин кутиб олди.

Ленинград область Совети ижроия комитетининг раиси Г. И. Козлов тантанали йиғилишни очиб, сўзлаган нутқида айтдики, Улуғ Октябрь 50 йиллигининг юбилей йилига ленинградликлар яхши меҳнат муваффақиятлари билан кирдилар.

Сўнгра ўртоқ М. А. Суслов нутқ сўзлаб, областга Ленин орденини топширди.

КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари В. С. Толстиков шаҳар ва областнинг барча меҳнаткашлари номидан Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига юксак мукофот учун қизғин ташаккур изҳор қилди.

КПСС Всеволожск шаҳар комитетининг биринчи секретари, Ленинград областидаги партизанлар ҳаракатининг актив қатнашчиси М. Р. Васьковский, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони сут соғувчи аёл Е. И. Герцик, Ленинград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси А. А. Сизов, «Ленинградсланец» тресты проходчилар бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. К. Маслянников, Ленинград ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони С. Л. Соколов тўлқинлантирувчи нутқ сўзладилар.

Ленинград области ва Ленин шаҳри жамоатчилиги тантанали йиғилишининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига ёзилган табрикномани баланд руҳ билан қабул қилдилар.

* * *

5 январда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов Пискарев ёдгорлик қабристонини зиёрат қилди.

Шу куни ўртоқ Суслов «Светлана» бирлашмасига бориб, ишчилар билан суҳбатлашди, ишлаб чиқариш билан танишди.

Суратда: «Ташавтомаш» заводи 2-цехининг илғор ишчиси Аҳмадбек Юсуфбеков. Октябрнинг 50 йиллиги шарафига оширилган мажбуриятлар олиб ишлаётган бу азамат ишчи смена топшириқларини 140-150 процентга етказиб бажаряпти.

А. Тўраев фотоси.

ЗООТЕХНИК

Чорвачилик — халқ хўжалигининг серунум ва сердаромад тармоғидир. Ундан аҳоли истеъмоли учун мўл-кўл сут, ёғ, гўшт, саноат учун қоракўл ва кўн тери, жун ҳамда бошқа хил маҳсулотлар олинади. Партия ва ҳукуматимиз чорвачиликни ривожлантириш, кўп, арзон, юқори сорт чорва маҳсулотлари етиштириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бунинг боиси бор. Чорвачилик заминида халқ, давлат манфаати ётади.

В. И. Ленин 1918 йилдаёқ чорвачиликда наслчилик ишларини яхшилаш тўғрисидаги декретни имзолаган эди. Бу тарихий ҳужжат мамлакатимизда социалистик чорвачиликни бунёдга келтириш ва тараққий эттириш, малакали чорвадор кадрлар тайёрлашга асос солди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришда агроном, зоотехник ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ролини ошириш тўғрисида»ги қарори, шунингдек, партия Марказий Комитети пленумларининг қарорларида декретдаги ғоялар ривожлантирилди, чорвачилик халқ хўжалигининг ажралмас таркибий қисми ва маъмурчилик манбаига айлантирилди. Малакали мутахассис кадрларнинг катта армияси камол топди. Шулардан бири зоотехниклардир.

Зоотехник — чорвачилик саркардаси, ишлаб чиқариш карвонбошиси. У чорвачиликда наслчиликни яхшилаш, чорва моллар сони ва маҳсулот миқдорини кўпайтириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал қилади, меҳнатни уюштиради, кам маҳсулли молларни зотли ва сермаҳсул молларга айлантиришга бошчилик қилади. Урчитиш ишларини кенг йўлга қўйиш билан янги тур, оила ва турнумлар яратади, илм-фанга янгилик киритади. Парваришни кучайтириш билан қўй ва қорамолларни иқлим шароитига мослаштиради.

Беш йиллик план директиваларида ем-хашак базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш асосида моллар ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш, шунингдек, сонини кўпайтириш йўли билан гўшт, сут, тухум ва жун етиштиришни янада юксалтириш вазифаси қўйилди. Бунинг учун озуқа базасини мустаҳкамлаш, яйловлардан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Бу вазифаларни шараф билан бажариш барча чорвадорлар, хусусан зоотехниклар, ветеринария врачлари, фельдшерларнинг муқаддас бурчидир.

Халқимиз зоотехникларни янгилик жарчилари деб атайди. Бу бежиз эмас. Зоотехниклар фан-техника ютуқлари, илғорлар тажрибасини ҳаётга татбиқ этади, оз меҳнат ва маблағ сарфлаб кўп ва арзон маҳсулот олиш йўлларини топади. Илмий асосда бунёдга келган, синовдан муваффақиятли ўтган прогрессив усулларни қўллаб-қувватлайди, ишлаб чиқаришга жорий этади. СЖК препарати воситасида урчитилган совлиқлардан кўплаб эгиз қўзи олиняпти. Бутун чорвадан насл олиш тобора кўпайяпти. Ем-хашак тайёрлаш, сут соғиш, жун қирқиш ишлари механизациялаштириляпти. Бу зоотехниклар, механизаторлар ижодий меҳнатининг самарасидир.

Сўнгги йилларда барча хўжаликларда чорва моллар сони кўпайди, чиқим камайди. Зоотехникларимиз эришилган ғалабани мустаҳкамлаш учун курашяптилар. Ҳар бир отар, хўжаликда чорва молларни туёқ сони ҳисобига кўпайтириш планлари бажариляпти. Урғочи молларнинг қисир қолишига, гўштга топширилишига йўл қўймаслик одат тусига киряпти.

Ем-хашак жамғариш, силос бостириш, ундан кўп маҳсулот олишни кўзлаб фойдаланиш, чорва бинолари қуриш, оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни машиналаштириш ҳам зоотехникларимизнинг диққат марказида турибди.

Амалга оширилаётган бу тадбирлар яхши самаралар бераётир. Чорва маҳсулотлари тайёрлаш ва давлатга сотиш кўпайяпти, халқимизнинг маишати яхшиланяпти.

Коммунист Амет Бадахов узоқ йиллардан буён Фориш районидаги «Қизилқум» совхозида зоотехник бўлиб ишлайди. Хўжаликда 78 минг бош қўй бор. Ўртоқ Бадахов совлиқларни СЖК препарати билан урчитиш, кўпроқ эгиз қўзи олишга бошчилик қилади. Қўй-қўзиларни зоотехника кўригидан ўтказади, уларни маълум мақсадга қаратиб парваришлашни ташкил қилади.

Чорвадорлар ҳисоб-китоб билан иш юритадиган бўлиб қолдилар. Шахсий манфаатдорлик принципи, социалистик мусобақа, ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилди. Зоотехника курсларида машғулотлар савияси оширилди. Камчиликлар аниқланган жойида тугатиладиган бўлди. Чорвадорларга ғамхўрлик кучайтирилди.

Натижа қувончли бўлди. 1966 йилда совхоз бўйича ҳар юз бош совлиқдан 145 бошдан эгиз қўзи олинди. Давлатга 38 минг дона қоракўл тери, 600 тонна гўшт, салкам 200 тонна жун сотилиб, планлар ошириб бажарилди. Шу райондаги «Чимқўрғон», «Фориш», Зомин районидаги «Қизил чорвадор», Косон районидаги «Қоракум», «Муборак» совхозлари ва қоракўлчилик заводларининг зоотехниклари ҳам юксалиш ва тараққиётга уддабуронлик билан бошчилик қилмоқдалар.

Бироқ, ўз вазифасини уддалай олмаётган, янгилик, прогрессив усулларни сезмаётган, яйлов соҳибкорларига бошчилик қилиш қўлидан келмаётган зоотехниклар, ветеринария врачлари, фельдшерлар ҳам йўқ эмас. Улар чорвачиликда прогрессив усулларни кенг жорий этишга эътиборсиз қарамоқдалар. Ўз фаолиятини хўжалик олдидаги улкан вазифалар билан маҳкам боғлаб борган мутахассисгина муваффақиятга эриша олади.

Чорвачиликни ривожлантириш, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда катта ғалабаларга эришилди. Буни ўтган хўжалик йилининг якуни кўрсатиб турибди. Ленин қилинган ишдан қиладиган ишларимиз кўплигини унутмаслигимиз керак. Чорва қишлови қизғин давом этяпти. Қишловни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказиш бутун жамоатчиликнинг жонажон ишидир. «Бир бош чорва молининг нобуд бўлишига йўл қўймаймиз!». Партия ташкилотлари, мутахассислар ана шу шиорни барча чорвадорларнинг онгига сингдиришлари, уларнинг қишлов давридаги масъулиятини оширишлари керак.

Кўпчилик хўжаликлар, фермалар, отарларда иш икки сменада ташкил қилинган. Чўпон-чўлиқларга кўмаклашиш учун коммунистлар, комсомоллар, маҳаллий Совет депутатларидан иборат ёрдамчи кучлар, ресурслар ажратилган. Бўғоз сигирлар, совлиқлар қўшимча озуқа рациони билан боқиляпти. Кечаликка навбатчилар тайинланган. Илғор чорвадорларнинг бу иш услубини кенг оммалаштириш лозим.

Қиш қаттиқ келди. Бундан кейин ҳам қаттиқ совуқлар бўлиши мумкин. Бундай шароитда ем-хашакни сарфлаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш керак. Ҳар килограмм озуқа қиш ва баҳор фаслларида маҳсулотнинг кўпайишига ёрдам берсин. Зарур топилган жойларда озуқа рациони ўзгартириб борилсин.

Қиш бекорчилик эмас. Зоотехника курсларида ўқишни қизғин давом эттириш, илғор чўпон-чўлиқлар, молбоқарлар, сут соғувчиларнинг иш тажрибасини кенг оммалаштириш керак. Илғор хўжаликларда учрашувлар, тажриба алмашиш кечалари ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Қўзилатиш кампаниясини пухта ҳозирлик билан кутиб олишимиз керак. Тўл тайёрланадиган жойлар, асбоб-ускуналар ҳозирдан тайёрлаб қўйилиши, наслга қанча қўзи қолдириш аниқланиши лозим.

Қишлов — чорвадорга синов. Бу синовдан муваффақиятли ўтишни таъминлаш хўжалик раҳбарлари, партия ташкилотлари секретарлари, чорвачилик мутахассислари, бутун жамоатчиликнинг муқаддас бурчидир.

МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК САМАРАСИ

Шуни дадил айтиш керакки, чорвадорлар моддий манфаатдорлигини амалга оширмай туриб хўжаликларда чорвачиликнинг муттасил равишда ривожланишига эришиб бўлмайди.

Совхозимиз коллективи моддий манфаатдорликни ошириш ва шу асосда хўжалик экономикасини мустаҳкамлаб, уни рентабелли қилиш учун астойдил кураш олиб борди. Совхоз директори бошчилигида мутахассислар, бўлим бошқарувчилари, новатор чўпонлар, илғор сут соғувчилар, партия ва касаба союз ташкилотларининг вакиллари ҳамда ҳисобчилардан ташкил топган иқтисодий анализ группаси совхознинг ўтган йилги ишлаб чиқариш фаолиятини анализ қилиб чиқди. Меҳнат ва материал ресурслари ҳамда давлат маблағларини сарфлашда нобудгарчилик ва хўжасизликка хотима бериш, ўринсиз харажатларни чеклаш, хўжалик ишлаб чиқаришининг барча соҳасида иқтисодий тежаш учун курашишга қаратилган қимматли таклифлар ишлаб чиқаришга татбиқ этилди.

Совхоз бўлимлари, бригада ва отарларида хўжалик ҳисоби амалда жорий қилинди. Харажатларни сўм билан ўлчаш, маҳсулот ишлаб чиқариш учун бўлган чиқимларни ундан олинган даромадлар билан қоплабгина қолмай, балки кўплаб соф фойда олиш йўли билан рентабелликка эришиш чоралари белгиланди. Моддий манфаатдорликни тўла амалга ошириш мақсадида моддий рағбатлантиришнинг турли формаларидан самарали фойдаланилди, ҳисобот ва контроль ишларини пухта амалга ошириш ва хўжаликка планли раҳбарликни таъминлаш принциплари тўла ва изчил йўлга қўйилди.

Ички хўжалик ҳисобининг соддароқ формалари ишчиларга тушунарли қилиб ташкил этилганлигидан улар етиштириладиган маҳсулот бирлигига бўладиган сарфларни билиб, уни камайтиришга ҳаракат қиладиган ва ишлаб чиқаришдан қанчалик моддий манфаатдор эканликларига яхши тушуниб етадиган бўлишди. Эндиликда бизда ҳар бир ишчи, ҳар бир чўпон-чўлиқ ўзи етиштирган маҳсулот учун оладиган иш ҳақини, пландан ташқари топширган маҳсулот ёки тежаб қолган маблағларнинг 40 проценти миқдорида қўшимча ҳақ, пландан ошиқча етиштирилган маҳсулот учун (унинг сифатига қараб) давлат баҳосининг 20 проценти миқдорида пул мукофоти тўланишини билишади. Шунингдек, уларга биркитилган қўйларни тўла сақлаб қолгани учун унинг 97 процентидан оширининг 50 проценти миқдорида натура ҳолида қўй ёки пландан ташқари олинган ҳар 100 қўзи учун 10 тадан қўзи олажагини, гўштга ажратиб боқилган молларни семиртириб, пландан ошиқча топширилган қўйдан келган фойданинг 50 проценти миқдорида натура ҳолида ҳақ олиши ҳам маълум.

Мана шунинг учун ҳам биз бу йил отарлар бўйича ишлаб чиқариш планларини ҳар йилгига қараганда барвақт ишлаб чиқдик ва жойларга етказдик. Ана шу планда кўрсатилган тадбирлар қандай бажарилаётганлиги ой сайин назорат қилиб борилмоқда.

Биз чўпонлар бригадири Истам Рустамовнинг иш ҳақини ёзишдаги ҳисоб-китоб плани ва унинг бюджети билан таништириб ўтмоқчимиз:

И. Рустамов бошчилик қилаётган отарда 701 бош совлиқ боқиляпти. Отардаги ҳамма совлиқлар соғлом, бир бош ҳам совлиқ нобуд бўлмади. Ана шу қўйларнинг ҳар биридан 3,6 килограммдан жун қирқиб олинди.

Чўпон-чўлиқлар бу йил ҳар 100 бош совлиқдан 162 тадан соғлом қўзи олиб, улардан пландаги 323 бош ўрнига 347 бош қўзини ўстиришга қолдиришди. Чўпонлар планларини бажарганликлари учун йил давомида олган иш ҳақларидан ташқари 449 сўм ҳақ оладилар. Бундан ташқари уларга чорва маҳсулотларини пландан ошиқча етиштирганликлари эвазига 3044 сўм қўшимча ҳақ, 7 бош қўй ва 40 бош қўзи ҳам берилди.

Ўртоқ Истам Рустамов бошлиқ бригада чўпонлари 701 бош совлиқни боқишга сарфланиши лозим бўлган харажатларни тежаб қолганлиги учун ана шу тежалган миқдорнинг 40 процентини ҳам олишади. Буни биз ҳисоб-китоб журналида кундадигича юритамиз.

Масалан, бригада чўпонлари ҳар бир бош қўй учун йил давомида 13,50 сўм харажат қилишни планлаштирганлар. Бунга иш кунининг сарфланиши, ҳар бир бош қўй ҳисобига арпа сарфи, дағал хашак, туз, иш ҳақи, жорий ремонтга сарф бўлган маблағ, инвентарь, ёқилғи, маъмурий идора харажатлари киради. Бригада чўпонлари 701 бош қўйни парвариш қилиб, унинг учун йил давомида пландаги 13 сўм 50 тийин ўрнига 11 сўм 52 тийин харажат қилишди. Фақат ана шунинг ўзидан 1387 сўм маблағ тежаб қолинди. Ана шу тежалган сумманинг 40 проценти яъни 554 сўми бригада ишчиларига тақсимлаб берилади.

Бунинг ҳаммаси бўлим ва бригадаларда ҳисоб-китобни пухта ўтказиш, контролликни кучайтириш, харажатларни вақт-вақтида текшириб бориш имкониятини беради. Мана шу ва бошқа тадбирлар натижасида совхозимиз коллективи беш йилликнинг биринчи йили — 1966 йил маҳсулот етиштириш планларини 9 ойда бутун турлар бўйича ошиғи билан бажардилар.

Ишлаб чиқариш планидаги 5496 ўрнига 6585 центнер гўшт, 22800 ўрнига 28356 дона қоракўл тери, 1500 ўрнига 1684 центнер жун, совлиқларнинг ҳар 100 бошидан 130,5 тадан қўзи олинди. Етиштирилган маҳсулотнинг таннархи ўтган йилгига нисбатан 20 процент камайтирилди.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича белгиланган барча планлар анча ошириб бажарилди. Совхоз чорвадорлари қўйларни тўла сақлаб қолганликлари, совлиқлардан кўплаб эгиз олганликлари учун 989 бош қўзи, 212 бош қўй, 74675 сўм пул мукофоти олдилар. Шундай қилиб биз хўжалик ҳисобини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш асосида янги резервларни тобора кўпроқ ишга соляпмиз, хўжалигимизнинг рентабеллигини йилдан-йилга оширяпмиз.

Х. БОБОЕВ,
Нурота районидаги Ленин номли совхознинг бош бухгалтери.

ЯНГИ ЙИЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

Бу йил мамлакатимизнинг турли корхоналарида ишланган кўплаб маиший-маданий ва рўзғорбоп буюмлар магазинларга чиқарилади. Чебоксаридаги резинатехника асбоблари заводининг ишчи ва хизматчилари уй бекаларига «Волга-8» маркали кир ювиш машинаси тақдим этадилар. Бундай тамғадаги машиналардан бу йилнинг ўзида 100 мингтаси ишлаб чиқарилади.

Ярославль мотор заводининг ихтирочилари уч ғилдиракли антиқа велосипед лойиҳасини таклиф этдилар. Велосипед 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган кичкинтойларга мосланган.

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭЛЧИСИ Л. И. БРЕЖНЕВ ҲУЗУРИДА БЎЛДИ

ВДРнинг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси ўртоқ Нгуен Ван Кин ўз ватанига жўнаб кетиши муносабати билан 6 январда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ҳузурида бўлди.

Визит вақтида бўлган суҳбат дўстлик ва самимият вазиятида ўтди.

БРИГАДАДА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ

БИНОКОРЛАРНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

Республика Қурилиш министрлиги ва «Главташкентстрой» системасида «Строймеханизация» трестларининг ташкил қилиниши бинокорлик машиналаридан фойдаланишни яхшилашда ҳар жиҳатдан қувончли натижалар берди. Асосий бинокорлик машиналаридан фойдаланиш 1966 йилда бундан аввалги икки йилдагига қараганда бу трестларда ўртача 28-32 процент ортди.

Ихтисослаштирилган ана шундай трестларда бинокорликда қўлланиладиган машиналардан фойдаланиш ташкилий-хўжалик ва техникавий масалаларни ҳал қилишда, шу хўжаликлар фаолиятини яхшилашда муҳим роль ўйнамоқда. Бундай трестларда иқтисодий ишлар яхши йўлга қўйилган. Бригадаларда хўжалик ҳисоби жорий этилган. Биринчи «Строймеханизация» трестининг Олмалиқ бошқармасида хўжалик ҳисоби асосида ишлаш кенг йўлга қўйиляпти. Бригада ишчилари планда кўрсатилган вазифаларни адо этишда хўжалик ҳисобида ишлашнинг афзалликларини ёрқин тасаввур эта бошладилар.

Бошқармадаги бригадалар ихтиёрида кўпгина машина-механизмлар бор. 35 та кўчма кран, 10 та автопогрузчик, 20 та кўчма компрессор ҳамда электр станция, 45 та автомашина, 15 та одимловчи трактор—ҳаммаси бўлиб 115 та механизм уларнинг ишига барака киритмоқда, бинокорликда машина-механизмлардан фойдаланишнинг нималарга қодир эканлигини намойиш этмоқда.

Бригадада хўжалик ҳисоби жорий қилингунча 19 ремонтчи ишчи меҳнат қиларди. Иш ҳақи вақтбай система бўйича тўланиб келди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг бундай системаси бригада аъзоларида бинокорлик машиналарини линияларга чиқариш, улардан самарали фойдаланиш учун жиддий қизиқиш туғдирмасди. Бригадада хўжалик ҳисоби асосида ишлашга кўчилгандан сўнг, ҳар бир ремонтчи машиналарнинг ўз вақтида линияларга чиқарганлиги учун 57 тийиндан қўшимча ҳақ ола бошлади. Моддий манфаатдорликнинг бундай тартибда ўзгариб бориши бригада аъзоларини планда белгиланган ремонт ишларини бажариш усуллари ҳақида ўйлашга мажбур қилиб қўйди. Шундан кейин улар белгиланган ремонт ишларини икки-уч сменада, ҳатто дам олиш кунлари ҳам бажарадиган бўлиб қолишди.

1966 йилнинг тўққиз ойида бригада ихтиёридаги машиналарнинг техникавий жиҳатдан шайлиги коэффициенти 0,94 га етди. Бригада аъзолари 19 кишидан 11 кишига камайтирилди. Саккиз киши асосий қурилиш ишларида иштирок этмоқда. Хўжалик ҳисобида ишлашга ўтилгач, бригадада ремонт ишлари бўйича слесарлардан 9 киши, бир электрик ва бир газ ёрдамида пайвандловчи ишчи қолди. Бу тартиб қувончли натижалар берди. Машиналарнинг техникавий шайлиги борган сари ортиб борди. Линияга чиқариладиган машиналар кўпайиб кетди. Ишчиларнинг кундалик ўртача меҳнат ҳақи 5,96 сўм ортди.

Механизациялашган бошқарма коллективи Тур ва Новгарзон тўғонлари қурилишида ҳам хўжалик ҳисоби системасини муваффақиятли жорий этди. Бу эса Оҳангарон шаҳридаги тўғонлар қурилишини тезлаштиришда яхши натижалар беряпти. Тўғон қурилишини олиб бораётган 2-механизациялашган бошқарма коллективи 1966 йилнинг етти ойи ичида 1600 минг кубометр тупроқ ишларини бажариши, Тур тўғонидаги охирги қурилиш объектларини қўлдан чиқариши лозим эди. Тупроқ қазиб чиқариш ковши 4 кубометрлик иккита экскаватор, 2 бульдозер, автогрейдер ёрдамида олиб борилди. Экскаваторларга «КРАЗ» маркали 20 та ағдарма машиналар биркитилиб қўйилди. Улар экскаваторлар қазиб чиқарган тупроқни пешма-пеш ташиб турдилар. Ҳар бир механизатор учун алоҳида наряд белгиланди. Шофёрлар автомашиналарининг қатнаши ҳисобидан ҳақ ола бошладилар.

Иш ҳақиқатан оғир эди. Тупроқ қазиб чиқарилаётган ердан сув сизиб чиқа бошлади. Экскаваторлар сув ичида ишлади деса бўлади. Экскаваторлардан фойдаланиш коэффициенти камайиб кетди. Механизаторлар билан бамаслаҳат хўжалик ҳисобида ишлайдиган комплекс механизациялашган бригада ташкил этишга қарор қилинди. Объектда ишлатилаётган барча механизмлар хўжалик ҳисобида ишлайдиган шу бригадага биркитилди. Ягона наряд белгиланди. Шароитга қараб дифференциялаштирилган нормага амал қилина бошлади. Белгиланган нормани орттириб бажарганлиги, ёқилғи, сим арқон, эҳтиёт қисмлар ва бошқаларни тежаганлик учун мукофот тўлаш жорий этилди. Лекин шундай ишлаганлик учун иш ҳақига қўшимча мукофот тўлаш ҳажми ойлик меҳнат ҳақининг 40 процентидан ошмаслиги белгилаб қўйилди.

Хўжалик ҳисобида ишлашга амал қилина бошлагандан кейин экскаваторларнинг меҳнат унуми ортди. Ҳар сменада илгари 400 кубометр тупроқ қазиб чиқарилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 1200 кубометрга етди. Бригада 3 сменада ишлай бошлади. Механизаторларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 120 сўмдан 200 сўмга кўтарилди. Объектда бажарилиши лозим бўлган ишлар белгиланганидан икки ой илгари тугалланди.

Хўжалик ҳисобида ишлашнинг механизациялашган бошқармаларда, трестларда жорий қилиниши қурилишларда машина-механизмлардан фойдаланишни яхшилаш, вақтдан ютиш учун янги имкониятлар яратиш, механизаторлар иш ҳақини оширишга ёрдам беряпти.

В. ХАЙРОВ,
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг бош механиги.

ТЕЖОҒЛИК ИШ—БЕЖОҒЛИК!

ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛУР

Б. Мамажонов Андижон электр тармоқлари системасининг энг яхши электр монтёрларидан. У электр тармоқларининг ҳамиша шай бўлиши учун жон куйдиради. Ўз касбига ихлос қўйган бу монтёр хизмат қилаётган участкаларда энергиянинг ноўрин сарфланишига йўл қўйилмайди. Республикамизда тежамкорлик учун бошланган мусобақада энергетиклар ҳам актив қатнашмоқдалар. Навоий ГРЭСининг старший машинисти В. Жиляков, Хива район электр тармоқларининг мастери С. Маткаримов, Жиззах район электр тармоқларининг старший монтёри М. Эшонқулов каби ўртоқлар ҳар киловатт-соат электр энергиясидан халқ хўжалигида ўринли фойдаланиш учун жон куйдирмоқдалар.

Республика энергетика корхоналари ва ташкилотларида ўз вазифасига сидқидилдан муносабатда бўлаётган бундай кишилар кўп. Шу тариқа ҳар бир киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилиш учун сарфланадиган ёқилғи миқдори йил сайин камайиб бормоқда. 1965 йилда ҳар бир киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилишга Ўзбекистонда 427 грамм ёқилғи ишлатилган эди. Бу эса кейинги етти йилда энергия ҳосил қилишга ҳаражат қилинадиган ёқилғи 200 грамм камайганлигини кўрсатади. Ўтган йилнинг ўзидагина энергия ҳосил қилишга кетадиган ёқилғи сарфлаш ундан олдинги йилдагига нисбатан 21.3 грамм камайди. Иссиқлик энергияси ҳосил қилинадиган станцияларда эса, бу соҳада айниқса қувончли натижаларга эришилди. Ҳаммаси бўлиб ўтган йилнинг 11 ойида 23,3 минг тонна ёқилғи тежаб қолинди.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министри ўртоқ А. Ҳамидов беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам тежамкорлик учун кураш мусобақаси кенг қулоч ёйётганлигини айтди. Республика Компартияси Марказий Комитети моддий меҳнат ресурслари, пул маблағлари, хом ашё ва бошқа материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш учун оммавий кўрик ўтказиш ҳақида қарор қабул қилганлиги нур устига нур бўлди. Бу тадбир иқтисодий тежаш соҳасида бошлаган ишларимизни яна ҳам кенг йўлга қўйишга даъват этмоқда. Электр станцияларда корхонанинг ўз эҳтиёжи учун ишлатиладиган сарф-харажатлар ҳам камайиб боряпти. Шу ҳисобдан ўтган йилнинг ўзидагина 121 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалди.

ИСРОФГАРЧИЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНЯПТИ

Тежашнинг кўп-ози бўлмайди. Баҳоли қудрат интилган киши исрофгарчиликнинг олдини олаверади. Бундай кишилар бизнинг корхонамизда ҳам анчагина бор.

Улар ўз тажрибаларини ҳамиша ўртоқлашиб борадилар. Шунинг учун ҳам тежамкорлик соҳасида Андижондаги «Гулбоғ» пахта тозалаш заводи коллективи яхши натижаларга эришмоқда. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ой сайин кўпайиб боряпти. Ишчилар ва мутахассислар ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга қаратилган кўпгина таклифлар бераётирлар. Шундай таклифларни жорий этиш натижасида кейинги ойлар ичида корхона 20 минг сўм тежаб қолди. Ўтган йили заводда 29 минг киловатт-соат электр энергия ва 1330 килограмм сим, 1500 метр ўров материали иқтисод қилинди.

Тежамкорлик бўйича республика оммавий кўриги ўтказилиши ҳақидаги қарор бизнинг коллективимизда ҳам ишлаб чиқилмоқда. Биз, пахта тозаловчилар хом ашё ҳамда материаллардан тежаб-тергаб фойдаланишнинг янги ресурсларини ишга соламиз. Бу соҳада эришган муваффақиятларимизни кўпайтираверамиз.

Б. МАҲМУДОВ,
Андижон областидаги «Гулбоғ» пахта тозалаш заводининг ишчиси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ИККИ КОММУНИСТ

Эскиқўрғонда тиниб-тинчимас коммунистлар кўп. Лекин гап Акрам Жўраев билан Мирзажон Тожибоев ҳақида борганда қишлоқдошлар чеҳрасида фахрланиш ҳислари пайдо бўлади. Уларнинг бири бригадир, иккинчиси шу бригаданинг аъзоси. Иккови ҳам механизатор. Аммо А. Жўраев бригадирман деб кишиларга буйруқ беришни ёқтирмайди. У коллективга шахсий намунаси, меҳрибонлиги билан таъсир ўтказади. Бирор фикр келадими, дарров бошқалар билан, Мирзажон билан маслаҳатлашади, уни қандай қилиб тезроқ амалга ошириш йўлларини излайди.

Мирзажон Тожибоев ҳам «фақат бригадир буюрса бажараман» деб ўтирадиганлардан эмас. Бирор янгилик ҳақида хабар топдими, дарров дўстига айтади. Бу тўғрида унинг фикрини сўрайди.

Шуниси қувонарлики, бу икки коммунист ўз бригадаси ҳақидагина эмас, балки бутун колхоз, район ҳақида ўйлашади. Уларнинг жонкуярлиги, ташаббуси билан қишлоқ маданиятини юксалтириш соҳасида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Қишлоқда қурилишлар авж олиб кетди.

Кунларнинг бирида икки коммунист даладан бирга қайтишарди.

— Уч-тўрт кундан бери сен билан бир муҳим масала ҳақида маслаҳатлашмоқчи эдим, ҳеч мавриди бўлмади, — аста гап бошлади Жўраев. — Кундузику бандмиз, кечқурунлари, мана, бўш бўламиз. Қишлоғимизда кечки мактаб очилса, ўқисак нима дейсан? Энди етти синф маълумот бизга камлик қилиб қоляпти.

— Жуда тўғри айтасиз, Акрам ака, — унинг гапини маъқуллади механизатор. — Қишлоқда ўқийдиган ёшлар ҳам кўп. Лекин кечки мактабнинг ўзи йўқ-ку!

— Мен ҳам шуни айтяпманда, — бригадир бир оз жиддийлашди. — Йигитлар билан маслаҳатлашиб, парткомга айтсакчи?

— Айтамиз! — қатъий гапирди Мирзажон.

Улар кечқурун партия комитетига келишди. Лекин партком секретари ҳозирги долзарб кунларда бу масаланинг анча қийинлиги, раис билан маслаҳатлашиб, кейин маориф бўлимидан сўраш кераклигини айтди. Раис бўлса гапни чўрт кесиб: «Аввал пахта планингни бажар, кейин ўқийсанлар!» — деди.

Колхоз правленнесидан иккала дўст хафа бўлиб қайтди. Лекин Мирзажон Тожибоев ўз сўзида қатъий турди.

— Райкомга учрашамиз, — деди у Жўраевга. Бригадир ҳам рози бўлди.

Орадан бир-икки кун ўтгач, тушлик пайтида бригада дала шийпонига район партия комитетининг секретари келиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, пахта ҳақида гап охирлагач, Мирзажон бригадирга ишора қилди. У: «гапириш керак» дегандек бош қимирлатди.

— Ўртоқ секретарь, бир масала ҳақида маслаҳатлашгани сизнинг олдингизга бормоқчи эдик, — шошилмай гап бошлади Мирзажон.

— Марҳамат, қулоғим сизда ўртоқ Тожибоев, — деди райком секретари.

— Қишлоқда кечки мактаб очсак, ўқийдиган ёшлар жуда кўп. Кечқурунлари бўш бўламиз, ишга сираям ҳалақит бермайди.

— Жуда яхши фикр. Бу ҳақда колхоз раҳбарлари билан маслаҳатлашдиларингми? — сўради секретарь.

— Ҳа, — деди Мирзажон ва ёнида келаётган колхоз раисига кўз қирини ташлади.

— Ҳамма иш аста-секинлик билан-да, йигитлар, планни тўлгазайлик, ҳаммаси бўлади, — раис яна гапни пахтага бурмоқчи бўлди.

— Тушунарли, — деди райком секретари раис билан Мирзажон ўртасида бўлиб ўтган воқеани пайқагандай. — Албатта мактаб очамиз, ҳамма ўқийди.

Эртаси куниёқ қишлоқдаги ўн йиллик мактаб биноси деворида кечки ёшлар мактаби очилиши ва 8, 10- синфларга ўқувчилар қабул қилиниши тўғрисида эълон пайдо бўлди. Ҳозир унинг ҳар бир синфида 20 дан ортиқ киши ўқимоқда.

Қишлоқда чойхона очиш тўғрисидаги масалада ҳам Мирзажон билан Акрам ака озмунча жонбозлик кўрсатишмади. Аввалига партия ташкилотининг секретари «чойхона очилади», деб ваъда берди. Бироқ бу иш пайсалга солинавергач, мазкур масала коммунистларнинг умумий йиғилиши кун тартибига қўйилди. Натижада қишлоқда ёшлар учун ҳам, кексалар учун ҳам кечқурунлари маданий дам оладиган жой вужудга келди.

Бўлар ташаббускор коммунистларнинг кундалик ишларидан бир лавҳа холос. Ана шунинг учун ҳам қишлоқ аҳолиси Акрам ака ва Мирзажонларнинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Уларнинг ишчанлиги, кишиларга ғамхўрлиги, ташаббускорлиги билан фахрланадилар.

Қишлоқ меҳнатқашлари Мирзажон Тожибоевнинг ташаббускорлиги, кишиларга меҳрибон ва жонкуярлигини назарда тутиб, уни область Советига депутатликка сайладилар. Бўлтўр депутат меҳнат қилган бригаданинг ишлари ҳам чакки бўлмади.

Мирзажоннинг ўзи «зангора кема» бункеридан 140 тонна пахта тўқди. Бригадада гектар бошига 32 центнердан ҳосил кўтарилди.

Ҳар икки коммунистнинг келажак режалари билан қизиқдик.

— Кечки мактабни тамомлагач, пахтачилик институтига кириб ўқимоқчимиз, — деди Мирзажон Тожибоев билан Акрам Жўраевлар. — Колхозда пахта ҳосилдорлигини тағин ҳам ошириш, қишлоғимизни фаровон қилиш учун билимимизни оширмасак бўлмайди. Кўр-кўрона, фақат тажрибага таяниб иш юритиш билан узоққа боролмайди, киши.

Эскиқўрғон қишлоғида ана шундай тиниб-тинчимас, ўт юрак коммунистлар кўп.

А. МАДУМАРОВ,
Избоскан район, «Коммунизм» колхози.

МОЛДАВИЯ қурилиш-монтаж поездининг коллективи янги Тошкентни барпо қилиш учун кураш мусобақасида актив қатнашмоқда. Қардош бинокорлар яқинда 80 квартирали уй-жойни шаҳримиз меҳнаткашларига совға қилган эдилар. Шу кеча кундузда эса яна бир 80 квартирали уй-жой биносида сўнгги қурилиш ишлари олиб бориляпти. Чапдаги суратда: пардозлаш бригадасининг илғорларидан бир группаси. Ўнгдаги суратдатда: монтажлаш ишларини жадаллик билан олиб боришда ибрат кўрсатаётган ишчилардан М. Буков, М. Данилов, Ю. Калинин, А. Кашкоров ўртоқлар.

А. Тўраев фотолари.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ҚИШЛОҚ СОВЕТИНИНГ ОБРЎСИ

Қишлоқ Совети катта ҳуқуқ ва имтиёзларга эга. Унинг ҳуқуқ ва вазифалари СССР Конституциясининг 97 ва Ўзбекистон ССР Конституциясининг 76-моддаларида ҳамда қишлоқ Советлари тўғрисида чиқарилган Низомда ойнадек ёритиб берилган. Булардан кенг фойдаланган қишлоқ Советлари ўз ишини пухта олиб боради.

Лекин айрим жойларда қишлоқ Совети ижроия комитети фаолиятини камситиш ҳоллари ҳамон учраб туради. Энг ёмони шуки, қишлоқ Советларини ишчан ходимлар билан таъминлаш ҳақида қайғурилмайди. Аксинча, айрим штатлар қисқартириб қўйилади. Буни мен ишлаётган қишлоқ Совети мисолида кўриш мумкин. Бу ерда раис, секретарь, бухгалтер, 2 та кутубхона мудири ва ҳисобчи ишлайди. Бир неча вазифалар масъул секретарга қўшимча юклатилган. Шунингдек, ҳарбий ёшдаларни рўйхатга олиш ҳам унга топширилган. Ваҳолонки, 1,5 мингдан 7,5 мингчага аҳолиси бўлган қишлоқ Советида иш юритувчи штати ва ҳарбий стол штати бўлиши керак. Бу талаб бизнинг районда амалга оширилмаётир. Унинг иши секретарь зиммасига юклатилган. Секретарь қайси бир ишни қилиши керак? Масалан, аҳолининг ўсишини рўйхатга олиш масаласини олайлик. Ҳозир туғилиш кунданкунга кўпайиб бормоқда. Буларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш учун ҳам бир киши доим банд бўлади. Қишлоқ Советида шу йилнинг ўтган ойлари ичида 200 га яқин бола туғилди, 40 дан ортиқ никоҳ ўтказилди. Буларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш, болали оналарнинг нафақаларини ёзиш, уни таъминот бўлимига етказиб бериш керак. Шунингдек, мажлис, сессия ва бошқа йиғилишларни ўтказиш, уларнинг қарорларини ёзиш ҳам бор.

Қишлоқ Совети территориясида йирик колхоз ва боғдорчилик совхози бўлиб, бу ерда 5 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Катта участкага эга бўлган қишлоқ Совети ижроия комитетларида автомашина йўқлиги, идорани тоза сақлаб туриш учун уборщица йўқлиги ишни янада қийинлаштирмоқда. Шуларни ўйлаб, қишлоқ Совети ижроия комитетининг фаолиятини яхшилаш, унинг обрўйини янада ошириш учун айрим таклифларни ўртага қўймоқчиман.

Район партия комитетларининг бюросига қишлоқ Совети раисларини таклиф қилиш, улардан энг намуна кўрсатганлари номи ҳурмат тахтасига ёзилса яхши бўлур эди. Чунки, планни тўлдиришда қишлоқ Совети раисининг ҳам ҳиссаси бўлади. Катта территорияларга эга бўлган йирик қишлоқ Советларига автомобиль ажратилса, ёмон бўлмас эди.

Кўп болали оналарга нафақа бериш ишини осонлаштириш учун тўланадиган пул социал-таъминот бўлими орқали почтадан юборилса ёки қишлоқ Совети ихтиёрига чек орқали берилса сансалорлик кескин камаяди.

Шунингдек, мактаб кадрларини ишдан олиш ва ишга қўйиш масалалари қишлоқ Совети ижроия комитетлари билан бамаслаҳат қилинса яхши натижа беради.

Қишлоқ Советининг мажлисларини ўтказишни тартибга солиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Мажлисбозлик камаяди ва ютуқлар кўпаяди. Булар амалга оширилса қишлоқ Совети ижроия комитетларининг роли ва обрўси янада кучаяди.

М. АМРИЛЛОЕВ,
Бухоро район Ҳайрободча қишлоқ Советининг масъул секретари.

ЕТАКЧИЛАР

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

Партия ташкилотининг активлиги, ишлаб чиқаришга, кишилар тарбиясига таъсири кўп жиҳатдан унинг ҳисобидаги коммунистларнинг жанговарлик қобилияти, ташаббускорлигига боғлиқдир. Агар бошланғич партия ташкилотларига кун сайин ва тўғри раҳбарлик қилинса, партия комитетлари ва бюроларининг раҳбарлик роли мунтазам равишда кучайтириб борилса, коммунистларнинг коллективдаги етакчилик мавқеи, обрў-эътибори янада ошади. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган V Пленуми бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни кучайтириш ҳақида оқилона қарор қабул қилди. Бу қарорни амалга ошириш бутун партия ташкилотларининг, ҳаммамизнинг ишимиздир.

Редакциямизга келаётган хатларда партия ташкилотлари, барча коммунистларнинг КПСС XXIII съезди ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитети V пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ қилиш соҳасидаги ажойиб ташкилотчилик ишлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Жамоатчи мухбирларимиз ишлаб чиқариш коллективларига моҳирона бошчилик қилаётган, моддий бойликлар яратишнинг муҳим проблемаларини пухта ҳал қилаётган партия ташкилотлари тўғрисида хилма-хил хат ва хабарлар йўллашмоқда. Чунончи, Шеробод районидан ўртоқ Х. Эшмуродовнинг ёзишича, бу ердаги пахта тозалаш заводи партия ташкилоти коммунистларнинг зўр активлик кўрсатиб ишлашига эришмоқда. Корхона коммунистлари ишлаб чиқариш масалалари билан ҳам, ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, коллектив аъзоларини юксак онглилик руҳида тарбиялаш масалалари билан ҳам кун сайин шуғулланмоқдалар. Корхона партия ташкилотининг секретари ўртоқ Е. Водолазова ҳар бир коммунистнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш ҳақида ўйламоқда. Бу ерда ҳар бир коммунист партия топшириғига эга. Унинг бажарилиши устидан эса партия бюроси пухта назорат ўрнатган. Айниқса Б. Маматқулов, Ҳ. Раҳимов, Э. Чориев каби коммунистлар партия топшириқларини ўз вақтида ва пухта бажармоқдалар. Штатсиз мухбиримиз Г. Деревянкининг мақоласи ҳам Денов районидаги пахта тозалаш заводининг тиниб-тинчимас коммунистларига бағишланади. Авторнинг ёзишича, корхона партия ташкилоти, коммунистлар иқтисодий масалаларга алоҳида эътибор бермоқдалар. Коллективда ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг иқтисодий ўқиши намунали йўлга қўйилган. Бунда айниқса маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги техника воситаларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берилади.

Термиз район партия комитетининг инструктори ўртоқ Ф. Норқўчқоров ўз мақоласида «Таллимарон» совхози коммунистларининг ажойиб ишлари тўғрисида фикр юритади. «Бу хўжалик коммунистларига ҳавасинг келади. Улар доим иш билан банд: қандай қилиб ҳам бўлса жонажон коллективнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксакликларга кўтариш ҳақида ўйлашади». Андижон область, Ленин районидаги «Ўзбекистон» колхози коммунистлари ҳақида эса шу ердаги 40-мактаб ўқитувчиси Эргашбой Раҳимов самимият билан ҳикоя қилади. У колхоз экономикасини, маданиятини кўтаришда жонбозлик кўрсатаётган, «оқ олтин» ҳосилдорлигини ошириш йўлларини тинмай қидираётган коммунистларнинг ишларидан мисоллар келтиради. Ашурали Эргашев, Баҳром Омонов, Келдибой Рустамов, Сардорхон Раҳмонова сингари коммунистлар раҳбарлик қилаётган илғор бригада коллективларининг бу йилги муваффақиятлари кишини қувонтиради. Улар келаси йил мўл ҳосили учун замин яратиш мақсадида ҳозирданоқ астойдил меҳнат қилишга киришдилар. Қишки тадбирлар тез ва соз ўтказилянти. Далаларга ўғит чиқарилиб, ариқ-зовурлар қазиляпти, буларнинг ҳаммасида хўжалик коммунистларининг етакчилик роли шак-шубҳасиздир.

Шунингдек жамоатчи мухбирларимиздан М. Раҳматов, Х. Эшонқулов, (Нурота районы), Қ. Маликов, А. Пашкова, Т. Мамадалиев, (Тошкент шаҳри), Х. Тўраев, Х. Қўқонов (Яккабоғ районы), Н. Қорақулов (Шўрчи), Б. Отақулов (Қарши), Б. Қаюмов, М. Абдуллаев (Наманган), Б. Пирназаров (Булунғур), Б. Эргашев (Шаҳрисабз районы) ўртоқларнинг хат ва хабарларида қа ҳам республикамиз саноат корхоналари, колхоз ва совхозларидаги партия ташкилотларининг қизиқарли ишлари ҳақида гап боради.

Партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бирижойларда оммавий — сиёсий, пропаганда ишларини кучайтириб юборишдир. Бу соҳада ҳам партия ташкилотларимиз дурустгина тажриба тўплашяпти. Редакциямизга келаётган хатларнинг бир қисмида ана шулар тўғрисида фикр юритилади. Масалан, А. Насриддиновнинг ёзишича, «Таштекстильмаш» заводи партия комитети ва барча коммунистлари коллектив ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйишган. Бу ерда ишчилар учун қизиқарли лекциялар, суҳбатлар ўтказиб турилади. Бу эса ишлаб чиқаришга, кишилар тарбиясига самарали таъсир кўрсатяпти. Ювалик А. Бобожонов, янгийўллик Ш. Ражабов, жарқўрғонлик Ч. Хўжамуродов ўртоқларнинг хабарларида ҳам пропаганда ишларининг савияси ҳақида гап боради. Шунингдек, Сариосиё районидан Р. Тилаков, Қарши районидан Т. Раҳмонов, Р. Шарипов, Ш. Хидиров, М. Набиев, Тўрткўл районидан Ш. Ҳусанбоев, Бекобод районидан Ю. Сулаймонов, Яккабоғ районидан Ҳ. Турдиев, А. Каримов, Х. Қўқонов, Фарғона шаҳридан Т. Маҳмудов, Андижон районидан Р. Иминов, А. Мамажонов ва бошқа ўртоқларнинг хат-хабарларида партия ташкилотлари ва коммунистларнинг кишилар қалбига йўл топишдаги тажрибалари тўғрисида қизиқарли фикр ва мулоҳазалар баён қилинади. Редакциямизга келаётган партия ҳаётига оид материалларда республикамиз коммунистларининг янги беш йиллик топшириқларини бажаришда эришаётган ажойиб ютуқлари, амалга оширмоқчи бўлган режалари ёрқин ифодаланган.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ЧЕВАРЛАР

Қадимий ва навқирон Бухоро саноат корхоналарида ҳалол меҳнати билан донг тараттан ажойиб хотин-қизлар жуда кўп. Улар ўзларининг яратувчилик меҳнатлари билан эл-юрт ҳурматини қозонишяпти. «Партия XVI съезди» тикувчилик фабрикасининг ишчиси Роҳат Камолова ҳам ана шундай аёллардан биридир. Биз моҳир тикувчи ишлаётган цехга кирдик. Тикув машиналарининг «юраги» бир меёрда уряпти. Қиз-жувонларнинг қўли-қўлига тегмайди, ҳаммаси иш билан банд.

Тикув машинаси устига энгашган Роҳат Камолованинг эпчил ҳаракатлари диққатимизни тортди. У костюм чокларининг бежирим, силлиқ бўлишига интиларди. Дарҳақиқат, унинг қўлидан чиққан костюмлар бежиримлиги, хушбичимлиги билан алоҳида кўзга ташланиб тургандай туюларди назаримизда.

Роҳат опа роппа-роса йигирма йилдан буён тикувчилик қилади. Мунира Самадова, Саломат Азимова, Ойша Тўхтаева каби кўплаб чевар дугоналарнинг ҳалол меҳнатлари туфайли коллектив коммунистик меҳнат цехи номини олишга муяссар бўлди. Партия ва ҳукуматимиз ўртоқ Р. Камолованинг кўп йиллик самарали меҳнатларини юксак баҳолаб, Ленин ордени билан тақдирлади. Роҳат Камолова фабрикага келгандан буён озмунча костюм тикди дейсизми? Ҳа, у ўнминглаб кишиларни дид билан кийинтиришга ҳисса қўшди. У ишлаётган цех шу йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида планга қўшимча 1400 дона костюм тикиб берди.

Роҳат Камолова корхонада кўзга кўринган рационализаторлардан бири ҳисобланади. Зийрак, ишбилармон бу аёлнинг ташаббуси билан электр тикув машиналарига «кўчиб юрувчи линейка» ўрнатилди. Бу — қийқимни камайтиришда муҳим омил бўлди. Илгари костюм чўнтакларини тикиш учун цехда уч-тўрт киши банд бўларди. Роҳат Камолова ҳамкасбларига бу операцияни бажариш йўлларини ўргатди. Эркаклар кўйлагининг ёқасини авваллари икки киши тикарди. Роҳат опанинг янги таклифи бу ишни ҳам бир йўла бажариш имконини берди. Новатор тикувчининг таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилиши билан корхона йилига 18-20 минг сўмлик давлат маблағини тежаб қолишга муваффақ бўлаётир.

Фабрикада Роҳат Камолова сингари рационализатор тикувчилар жуда кўп. Чунончи, Раъно Аҳмедованинг бу даргоҳга келганига узоқ вақт бўлгани йўқ. У ҳам маҳсулот сифатини яхшилаш, материаллардан тежаб-тергаб фойдаланишга доир қатор таклифлар киритди.

— Мен Роҳат опа Камоловадан жуда кўп иш ўргандим, — дейди Раъно Аҳмедова, — у бизга меҳнатда, ҳаётда, юришturишда, умуман, ҳар соҳада ўрнак. Ҳозир бригадамиздаги ҳар бир ишчи смена нормасини 125-130 процентга етказиб адо этмоқда.

Новатор тикувчилар меҳнат қилаётган корхонанинг 3-коммунистик меҳнат цехи коллективи Москва ва Ленинград саноат корхоналари ходимларининг ватанпарвардик чақиригига қўшилиб, ҳозиргача қариб 80 минг сўмлик ҳом ашёни тежаб қолди.

Фабрика коллективи Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини меҳнатда ажойиб ютуқлар билан кутиб олишга ҳаракат қилаётирлар. Роҳат Камолова эса, келгуси йилдаёқ беш йиллик маррани эгалламоқчи. У шу кунларда 1967 йилнинг август ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Корхона бошланғич партия ташкилоти Роҳат Камоловага ўхшаш новатор тикувчиларнинг тажрибасини кенг оммалаштиришга жиддий эътибор бермоқда.

Корхона машъаллари чиндан ҳам ибрат кўрсатиб ишлашяпти, ўз касбларини улуғлашяпти. Улар корхона шуҳрати учун курашмоқдалар.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

БУ — ҲУРМАТСИЗЛИК

Когон районидаги «Партия XXII съезди» колхози аъзоларидан олинган хатга шундай сарлавҳа қўйилган. Хатда таъкидланишича, колхоз раҳбарлари қишлоқларни электрлаштириш, маданий-маиший муассасалар тармоғини кенгайтиришга етарли эътибор бермаганлар.

Редакция хатни район ижроия комитетига юбориб, фактларни текшириб кўришни, камчиликлар аниқланган тақдирда уларни тугатишга қаратилган тадбирлар белгилашни илтимос қилди. Райижроком раиси А. Ҳакимов имзоси билан олинган жавоб хатида қуйидагилар айтилади:

Текширишда колхозчилар ўртага кўйган масала тўғри чиқди. Ҳақиқатда колхознинг кўпчилик қишлоқлари электрлаштирилмаган. Бунга колхоз ва область электрлаштириш бошқармаси раҳбарлари айбдор. Масала атрофлича муҳокама қилиниб, лойиҳа-смета ҳужжатларини расмийлаштиришга 25 минг сўм маблағ ажратилди. 1967 йилда колхоз қишлоқлари тўла электрлаштирилади ва газлаштирилади.

АХЛОҚ, ТАРБИЯ МАВЗУИДА

ИБРАТ НИМА?

Социалистик жамиятда амалга оширилаётган тарбиянинг асосий мақсади ёш авлодни ўз ишининг ҳақиқатлигига қатъий ишонган, жамият манфаатларини ўйлайдиган, жамият мулкини кўз қорачиғидек сақлайдиган инсонпарвар кишилар қилиб етиштиришдир.

Ана шундай ғоявий етук, олижаноб кишиларни тарбиялашда ибрат ғоят аҳамиятлидир.

Бола туғилган кундан бошлаб оила, ота-она тарбиясида ва уларнинг таъсири остида бўлади. Зотан, инсон шахсининг шаклланиши худди шу оилада бошланади. Чунки, болалардаги дастлабки тасаввур ва тушунчалар оилада ҳосил бўлади, уларнинг характери, дид ва одатлари таркиб топади.

Тарбия воситаси бўлган ибрат одамларнинг юриш-туриши ва хатти-ҳаракатларининг тарбиялануvчилар онги ва феъл-атворига, хулқига кўрсатадиган таъсиридир.

Ёшларни маданий, яхши одатли қилиб тарбиялаш учун аввало ота-она ёки болани тарбияловчи шахснинг ўзи яхши тарбияланган бўлмоғи лозим.

Болалар катталарга тақлид қилувчи, уларга эргашувчан бўладилар. Улар катталарнинг яхши ва ёмон одатларини дарҳол ўзларига сингирадилар. Чунки, ота-она болалар олдида энг обрўли кишилардир. Шунинг учун оиладаги яхши ёки ёмон муносабатлар ҳам болага катта таъсир кўрсатади.

Катталарни, уларнинг сўзлашуви ва хулқ-атворини болалар кузатиб турадилар. Катталар ўзларини дағал тутишса, бир-бири билан жанжаллашса, оғзидан ёмон сўзлар чиқса, буларнинг барчасини болалар ҳам албатта такрорлайди. Чунки, болада дунёқараш, хулқ-аҳлоқ нормалари теварак-атрофдаги кишиларнинг маданий ва маънавий савияси таъсирида ҳосил бўлади.

Болалар олдида жанжаллашишдан, сўкишишдан, ғийбат қилишдан сақланмоқ керак, бола гарчи уларнинг ҳаммасини эсда сақлаб қолмаса ҳам, лекин пайқайди.

Кўпинча болаларнинг тарбияси бузилишига, уларнинг билим олиш, қувноқ, мазмунли яшаш ўрнига беҳуда, ноўғри ишлар билан шуғулланишига ота-оналар ҳам сабабчи бўлади. Баъзи ота-оналар тор, шахсий интилишлар билан, зеркарли турмуш кечирадилар. Улар оламда нима бўлаётгани билан, кишиларнинг тақдири билан, ҳатто фарзандларининг келажаги билан қизиқмайдилар. Улар фарзандларини ёшлигидан «фойда» топиш мақсадида пулга, бозорга ўргатадилар. Бунга ўрганган болалар эса олтин ёшлигини, қадрдон мактабини, қизиқарли китоблар ва суҳбатларни арзимаган тангаларга, бозорга, стадионда шиша йиғишга алмаштирадилар. Бу болалар уйга уч-тўрт сўм келтираман деб, маданиятдан, завқли турмушдан бебаҳра қоладилар.

Ёзда фарзандини шиша йиғишга, айрон, қурт кабиларни сотишга ўргатган ота-она, қишда кинотеатр кассалари олдида томошадан кеч қолганларга билет сотишга ўргатади. Фарзандининг топган-тутганидан хурсанд бўлган ота-она унинг текин яшашга мойиллиги, ўта беодоблигининг олдини олгунча не-не азобларни бошидан кечиради. Бизда болаларимизни ёшлигидан пулга ўргатмаслик учун ҳамма имкониятлар бор. Буни ота-оналар яхши биладилар. Ота-онанинг оладиган маоши кам бўлса, мактаб-интернатлар бор, Интернатларда, куни узайтирилган синфларда бепул овқат, кийим берилади.

Ота-она ва тарбиячиларнинг юриш-туришлари, ҳаётга, ишга, бошқа кишиларга муносабати, буларнинг ҳаммаси болалар учун яққол намунадир.

Баъзи ота-оналар болаларнинг кўчада, автобусда, трамвайда ёмон, бемаъни сўзларини эшитиб, ҳайрон бўладилар. Бунга сабаб катталарнинг бемаъни ибрат кўрсатишидир. Халқимиз «Ҳар ким эккانини ўради» ёки «Қуш уясида кўрганини қилади» деб бежиз айтмаган.

Шу сабабли ҳар бир ота-она кишиларга, оила аъзоларига, болаларига ҳурмат билан қараши керак. Болаларнинг интизомлилиги, тартибли, яхши хулқли, одобли бўлиши катта ёшдаги кишиларнинг оилада ҳамжиҳатлигига боғлиқ.

Хоразм область, Янгиариқ район, Чапаев қишлоқ советида яшовчи Файзуллаевлар оиласи фикримнинг далилидир. Педагог Отабой ака ва Раъно опа саккиз фарзандининг ота-онаси. Улар ўз болаларини жуда ёшликдан бошлаб катталарнинг сўзига қулоқ солишга ўргатганлар. Ҳозир бу болалар мактабда ҳам яхши ўқийдилар, одоб-хулқига ҳамма ҳавас қилади. Айниқса катта қизи Гавҳар мактабдан кейин ота-онасининг уй ишларига ёрдам беришга ёшликдан одатланган. Оилада кундалик тартиб ўрнатилган. Ҳозир Отабой ака ва Раъно опанинг тарбиялаган болалари хушмуомала, камтар, меҳнатсевар, одобли, атрофдагиларни самимий ҳурмат қиладиган бўлиб ўсишаётир.

Тарбиявий ишда энг асосий нарса оила ҳаётини тўғри ташкил этишдир. Ота-она ўзларининг юксак маънавий қиёфалари билан болага намуна бўлишлари, яхши хулқ-одат намуналарини кўрсатишлари лозим.

Бизда баъзи ота-оналар ҳам борки, улар ўз болаларини бўлар-бўлмасга, ундай қилма, бундай қилма деб тиядерадилар. Болани бўлар-бўлмасга тийишдан сира фойда йўқ. Бундай тарбияда бола фойдали эркинлик туйғусидан маҳрум бўлади, мустақил бир ишни қилолмайдиган, қўрқоқ, жонсарак бўлиб қолади. Бундай тарбия болани ўз кучига бўлган ишончини йўқотади. Уни эркин ҳаракат қилиш қобилиятидан маҳрум этади. Ниҳоят бола ўзича мустақил ишлай олмайдиган, нўноқ бўлиб қолади.

Ота-оналар болалари олдида доимо ўзларини яхши тутишлари керак. Улар ўз муомала ва ҳаракатлари билан вазмин, чидамли бўлишлари, бўлар-бўлмасга аччиғланавермаслиги ва яхши хулқлари билан болаларга ибрат кўрсатишлари лозим. Ота-оналарнинг ибратли намуналари тарбиявий таъсирни оширишда энг муҳим шартдир.

Агар ота-оналар ўз болаларининг ростгўй, софдил, хушмуомала, одобли, меҳнатсевар бўлишини истасалар, уларнинг ўзлари болаларга ибрат бўладиган маданий хулқ ва одатларни эгаллашлари керак.

Халқимиз коммунистик жамият қураётган ҳозирги жўшқин давримизда келажак авлодларимиз—ёш бўғинни ҳар тарафлама камол топган кишилар қилиб етиштириш муҳим ва масъулиятли вазифамиздир. Бу вазифани совет оиласи мактаб билан биргаликда амалга оширади. Болани оилада тўғри тарбиялаш, фикр-туйғусини, хулқ-атворини тўғри йўлга солиб бориш ота-оналарнинг муҳим бурчидир.

Н. РАЖАБОВА,
Узбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг аспиранти.

Т. ҒУЛОМОВ,
педагог.

ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ XVIII СЪЕЗДИДА

ПАРИЖ, 5 январь. (ТАСС). Бугун Франция Коммунистик партиясининг XVIII съездида КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг раиси А. Я. Пельше нутқ сўзлади.

Ўрток А. Я. Пельше КПСС Марказий Комитетининг топшириғига мувофиқ, Франция Коммунистик партияси XVIII съездининг делегатларига, Франциянинг барча коммунистларига қизғин қардошлик саломини топширди.

У, съезд партиянинг марксизм-ленинизмга, пролетар интернационализмига чексиз садоқати белгиси остида ўтаётганлигини таъкидлади.

Франция Коммунистик партиясининг бутун фаолияти, деди сўнгра А. Я Пельше, ўз мамлакатининг тақдири учун, француз миллатининг манфаатлари учун юксак масъулият ҳисси билан тўлиб т о ш г а н д и р. Ишчиларни ва барча меҳнаткашларни монополияларга қарши ягона иттифоқда бирлаштириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш Франция коммунистик партияси учун характерлидир.

Франция Коммунистик партияси монополиялар ҳокимиятини тугатиш учун, демократия ва социализм учун курашнинг чуқур илмий ва яхлит программасини ишлаб чиқди. Мамлакатда партия позициясининг мустаҳкамланганлиги, партия сафларининг улуғлиги ўсиб бораётганлиги ана шу йўлнинг тўғрилигини исбот қилиб турибди.

Франция Компартияси пролетар интернационализми байроғини ҳамиша баланд кўтариб борди. Компартия ўзининг шонли тарихи давомида мазлум халқларни ҳимоя қилиш учун, империалистик агрессияга қарши, барча революцион кучларни қўллаб-қувватлаш учун курашда катта тажриба орттирди.

Ҳозирги вақтда француз коммунистлари ўз мамлакатида Америка империализмининг «разил уруши»га қарши курашда ўз шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган қаҳрамон Вьетнам халқи билан бирдамлик ҳаракатига бошчилик қилмоқдалар.

Бизга, совет кишиларига, деб таъкидлаб ўтди А. Я. Пельше, француз коммунистларининг интернационализми айниқса яхши маълумдир. 50 йил муқаддам помешчик ва капиталистлар ҳокимиятини ағдариб ташлаган рус ишчиларига Франция ишчилар синфи биринчилар қаторида ўз ёрдам қўлини узатди.

Мамлакатларимиз халқлари гитлерчи босқинчиларга қарши ёнмаён туриб жанг қилган иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли йилларида француз халқининг совет мамлакати билан бирдамлигининг шонли традициялари яна ёрқин намоён бўлди. Америка империализми агрессив ҳарбий блоклар уюштириб, атом қуролига бўлган ўз монополияси билан оламга даҳшат солган «совуқ уруш» даврида Франция коммунистлари қатъий ва мардона суратда француз халқи Совет Иттифоқига қарши ҳеч қачон уруш қилмайди, дедилар.

Сўнгра А. Я. Пельше Совет Иттифоқи ўзининг 50 йиллигига куч ва қудратга тўлган ҳолда келганлигини таъкидлаб айтдики, СССРда коммунистик қурилиш соҳасида эришилаётган муваффақиятлар умуман социалистик лагернинг моддий, сиёсий ва ҳарбий қудратини ва бутун жаҳон революцион ҳаракатини қучайтиради, социализм намунасининг жозибали кучини кўпайтиради, бутун дунёда социализм ғояларининг ёйилишига, қарор топишига ёрдам беради.

А. Я. Пельше қишлоқ хўжалиги ва саноатни ривожлантириш тўғрисида, СССРда кўп миллатли маданият ва санъатнинг янада равнақ топиши тўғрисидаги КПСС XXIII съезди, КПСС Марказий Комитети пленумлари, қарорларининг муваффақиятли равишда амалга оширилаётганлигини гапириб берди, бу қарорларда хўжаликни юритишнинг янги форма ва методлари белгилаб берилди.

Америка империализмининг Вьетнам халқига қарши агрессияси, деди сўнгра у, ҳозирги кунимиздаги энг кескин проблемадир. Социалистик мамлакатлардан бири бўлган Вьетнам Демократик Республикасига АҚШнинг қурол билан очиқдан-очиқ ҳужум қилганлиги кўриниб турибди.

Пролетар бирдамлиги принципига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Вьетнам халқига ҳар томонлама ёрдам бермоқда ва бундан буён ҳам ёрдам бераверади. Бу ёрдам вьетнамлик ўртоқларимиз зарур деб ҳисоблаган қўламда, шаклда ва воситалар билан берилмоқда.

Сўнгра А. Я. Пельше уқтириб ўтдики, Хитой Компартиясининг ҳозирги раҳбарлари Вьетнам халқини қўллаб-қувватлашда бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда ҳаракат қилишдан бош тортмаганларида эди, Вьетнам халқининг Америка агрессиясига қарши кураши анча қулай шароитда олиб борилиб, анча тез галаба билан тугаган бўлур эди. Хитой Компартияси раҳбарларининг бу масалада тутган позицияси Америка империалистларининг тегирмонига сув қуяди, уларнинг Вьетнамдаги агрессияни янада авж олдиришларини рағбатлантиради. Бу позиция Вьетнам халқининг барча ҳақиқий дўстларини чуқур ташвишга солмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати, деб давом этди А. Я. Пельше, Европадаги аҳволга жиддий эътибор бермоқда. Бу ерда икки дунё—социализм ва капитализм дунёсининг жуда катта ҳарбий кучлари бир-бирига қарама-қарши турибди. Бу ерда Ғарбий Германия реваншчи доираларининг фаолияти авж олдирилмоқда. Европа хавфсизлиги тўғрисидаги масала жаҳон сиёсатида қўйт муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Европадаги социалистик мамлакатлар 1966 йил июль ойида Бухарестда ўтказилган кенгашда Европа масаласини тинчликсеварлик ва демократик негизда бартараф қилишнинг кенг программасини илгари сурдилар. Европа хавфсизлигини ҳимоя қилиш ишига коммунистлар қўшаётган ҳисса тўғрисидаги масалани муҳокама қилмоқ учун Европадаги барча мамлакатлар компартияларининг кенгашини ўтказиш тўғрисида Франция Коммунистик партияси ва баъзи бир бошқа партиялар илгари сурган ташаббусни КПСС қизғин қўллаб-қувватлайди.

Европада ва бутун дунёда хавфсизликни ва тинчликни таъминлашда Совет Иттифоқи билан Франция муҳим роль ўйнайди. А. Я. Пельше сўнгги йилларда Совет—Француз алоқалари ва ҳамкорлиги ривож топганлигига тўхталиб, сўнгра халқаро коммунистик ҳаракатни жипслаштириш учун олиб борилаётган кураш масаласига ўтди. Ҳозирги сиёсий вазиятдаги бошқа масалалар сингари бу масалада ҳам, деди у, Франция Коммунистик партияси билан КПСС ўртасида қарашларнинг тўла бирлиги мавжуддир. Бизнинг партияларимиз бошқа қардош партиялар билан биргаликда марксизм-ленинизмнинг, пролетар интернационализмининг принципиал негизида бутун дунёда коммунистик сафларни жипслаштириш учун изчиллик билан кураш олиб бормоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг ўтган йил декабрда бўлиб ўтган пленуми 1957 ва 1960 йиллардаги кенгашларда ишлаб чиқилган халқаро коммунистик ҳаракатнинг бош йўлини ҳимоя қилишни кўзлаб, марксизм-ленинизмнинг принципиал негизида барча коммунистик партияларни жипслаштириш учун курашни кучайтиришга КПСС қатъий қарор берганлигини билдирди.

Пленум компартияларнинг янги халқаро кенгашини чақириш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келаётганлиги тўғрисида қардош партиялар билдирган фикрга қўшилганлигини изҳор этди. 60 дан кўпроқ партия ана шундай кенгашни чақиришни ёқлаб фикр билдирди КПСС бундай кенгаш пухта тайёрланиши лозим, деб ҳисоблайди.

КПСС делегациясининг бошлиғи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Франция Коммунистик партиясининг XVIII съездига табригини ўқиб берди.

Ўрток А. Я. Пельше нутқидан кейин КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев космосни забт этувчилар шарафига Москвада қурилган монумент макетини КПСС Марказий Комитети номидан съездга топширди.

«Бу макет,—деди Б. Н. Пономарев, — Социализм шароитида фан ва техника муваффақиятларининг ўзига хос рамзидир, Совет коммунистлари ва совет халқи ғалабаларининг рамзидир. Бу туҳфа «осмонни штурм қилишга» отланган коммунарлардан тортиб, ерни ўзгартириш ва космосни забт этиш учун қудратли воситаларга эга бўлган замонамиз коммунистларигача бўлган турли авлод революционерларининг изчил алоқаларининг рамзи бўлиб хизмат қилаверсин».

Б. Н Пономарев В. И. Ленининг ўлмас образи тасвирланган горельефни, шунингдек ўнинг портретини КПСС Марказий Комитети номидан Монтредаги партия тарихи музейига топширди.

Франция Коммунистик партиясининг бош секретари В. Роше совғалар учун миннатдорчилик билдирди ва Франция коммунистлари бу совғаларни тинчлик ва социализм манфаатлари йўлида ҳар икки партия бузилмас алоқаларининг далили сифатида қабул қилиб оладилар, деди.

Залда гулдурос қарсаклар чалинади. Съезд делегатлари ва меҳмонлар «Интернационал»ни куйлайдилар.

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XVIII СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Франция Коммунистик партияси XVIII съезди делегатларига ва сизлар орқали Франциянинг барча коммунистларига совет коммунистлари, барча совет халқи номидан отаман жанговар салом йўллайди.

Франция Компартияси ўзининг навбатдаги съездига меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари ва демократик ҳуқуқлари учун, мамлакатдаги барча сўл демократик кучларни жипслаштириш учун, партия сафларини ва оммага ўтказаётган ўз таъсирини мустаҳкамлаш учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришган ҳолда келди.

Франция коммунистлари революцион курашнинг катта мактабини ўтдилар, бой сиёсий тажриба тўпладилар ва ишчилар синфи, деҳқонлар ва меҳнаткаш интеллигенция орасида ҳақли суратда катта обрўга ва уларнинг қўллаб-қувватлашига сазовор бўлдилар. Компартия француз халқининг шонли революцион традицияларини энг яхши ифодаловчи ва давом эттирувчи ҳамда Франциянинг миллий манфаатлари учун, унинг социалистик истиқболи учун изчил курашчи сифатида Франция халқининг чуқур ҳурматига сазовор бўлди. Франция Компартияси меҳнаткашларнинг синфий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида олиб бораётган фидокорона курашни француз миллатининг шон-шарафи ва қадр-қиммати учун, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун олиб борилаётган кураш билан моҳирона боғлаб ўз мамлакатининг таъсирчан сиёсий кучига айланди.

Франция Компартияси янги муҳим проблемаларни назарий жиҳатдан ишлаб чиқиб, қардош партияларнинг марисча-ленинча назарияни янада ривожлантиришга ва бу назарияни ҳозирги тарихий шароитларга мослаштириб ижодий қўлланишга қаратилган коллектив куч-ғайратларига катта ҳисса қўшди ва қўшмоқда.

Мустамлакачиликка ва миллий зулмга қарши ҳамиша курашиб келаётган чинакам интернационалистлар бўлган француз коммунистлари ўз мамлакати шаҳар ва қишлоқлари аҳолисининг кенг табақаларини америка империалистларининг Вьетнамда олиб бораётган жиноий урушига қарши актив ҳаракат қилишга сафарбар этмоқдалар, халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб чиқмоқдалар.

Франция Коммунистик партиясининг халқаро майдондаги обрўси жуда катталиги. Бу партия 1957 ва 1960 йилларда ўтказилган Москва кенгашларида ишлаб чиқилган бош йўл асосида жаҳон коммунистик ҳаракати жипслигини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган ўзининг изчил ва қатъий кураши билан қардош партияларнинг, бошқа мамлакатлардаги ишчилар синфининг ҳурматига сазовор бўлди.

Ҳозирги замоннинг барча асосий идеологик ва сиёсий проблемалари бўйича қарашларнинг муштараклиги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Франция Компартиясини бирлаштириб турибди. Қарашларнинг бу бирлиги партияларимизнинг марксизм-ленинизмга, пролетар интернационализмига содиқ бўлишига асосланади.

Франция коммунистлари мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва иттифоқ ғояларини ҳамиша фидокорлик билан ҳимоя қилганликларини совет кишилари яхши биладилар. Бу дўстлик ва жанговар ҳамкорлик иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизмга қарши биргаликда кураш олиб борган вақтда тўкилган қон билан мустаҳкамлангандир. Ҳозир совет ва француз коммунистлари, мамлакатларимиз халқлари Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги дўстона муносабатларнинг ривожланаётганлигидан чуқур мамнун эканликларини билдирмоқдалар, бу эса, Европада ва бутун дунёда тинчликни ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети қардош Франция Коммунистик партиясининг инсониятнинг порлоқ идеаллари учун — тинчлик, демократия ва социализм учун олиб бораётган олижаноб курашида янги муваффақиятларга эришишини астойдил истайди.

Яшасин шонли Франция Коммунистик партияси!

Яшасин Совет Иттифоқи билан Франция халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

Совет ва француз коммунистларининг жанговар ҳамдўстлиги, барча марксчи-ленинчи партияларнинг бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

Яшасин марксизм-ленинизм!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети.

Кўҳна Самарқанд бағрида янги, замонавий бинолар қад кўтармоқда. Сиз кўриб турган ушбу суратдаги бино Самарқанд область партия комитети ва область комсомол комитети учун қурилган. Бу муҳташам бино янги йилнинг дастлабки кунида фойдаланишга топширилди.

У. Абдуллаев фотоси.

ТАЖРИБА МАКТАБИ

Тажриба мактаблари ҳақида гап юритганимизда, аввало, Ўрта Осиё машина-синаш станцияси базасида ташкил топган машҳур механизатор Тюпко бошлиқ, Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институтининг экспериментал базасининг Чуднан бошлиқ ва ниҳоят Тошкент область, Юқори Чирчиқ районининг «Политотдел» колхозидаги Любовь Ли мактаблари кўз олдимизда гавдаланади. Ҳақиқатан ҳам бу тажриба мактабларининг республикамиз ҳаётидаги роли ва аҳамияти катта бўлаётир. Ҳар йили бу мактабларда кўплаб қишлоқ хўжалик кадрлари ўқиб, илғор тажрибаларни ўрганаётирлар. Улар жойларга бориб, ишлаб чиқаришни шу тажрибалар асосида ташкил этиб, яхши кўрсатичларга эришяпти. Фикримизнинг исботи учун Бўка районидаги «Ленин йўли» колхози комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи Т. Каримова сўз берамиз:

— Мен 1966 йил январь ойида Тюпко мактабида ўқидим. Ўқиш муддати қисқа бўлди. Лекин, кўп нарсани билиб ва ўрганиб олдим. Қишлоқ хўжалигига доир, айниқса, пахтачилик билан боғлиқ бўлган илм-фан ютуқлари, илғор тажрибалар ҳаққида яхши тасаввурга эга бўлдим. Ўқишни тугатиб қайтганимдан кейин колхоз правлениеси мени комплекс механизациялашган бригадага бошлиқ қилиб тайинлади Тюпко тажрибаси асосида ишладик. Натижа ёмон бўлмади. 119 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 24 ўрнига 30 центнердан ҳосил кўтардик. Етиштирилган ҳосилнинг 60 процентини машинада териб олдик.

Самарқанд область, Пастдаргом районидаги Карл Маркс номли колхознинг комплекс механизациялашган бригада бошлиғи, Тюпко мактабининг тингловчиси Ўрток Ҳ. Эргашев ҳам комплекс механизацияни чуқур этиш, деҳқончилик маданиятини ошириш ва ҳосилдорликни кўтаришда катта муваффақиятларга эришди. Бригададаги барча ишлар Тюпко тажрибаси асосида олиб борилди. 66 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 54 центнердан «оқ олтин» териб олинди. Бригада планини 180 процент адо этди. 307 тонна пахта машина бункерларидан тўкилди. Бригада бошлиғи Ўрток Ҳ. Эргашев ўз агрегати билан 110 тонмадан ортиқ пахта терди.

Чуднан, Любовь Ли мактаблари қатнашчиларининг иш фаолиятида ҳам шундай ўринак бўларли мисоллар кўплаб учрайди.

Кейинги вақтда республика Қишлоқ хўжалик министрлиги илғор тажриба мактабларининг ишини тубдан яхшилашни энг зарур вазифа қилиб қўйди. Шу мақсадда колхоз-совхоз кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишига эътибор кучайтирилди. 1965 йил охирида министрликда бу иш билан доимий шуғулланувчи махсус бўлим ташкил қилинди.

Қишлоқ хўжалик кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мақсадида 1966 йили бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. 109 соҳа бўйича қисқа муддатли курслар ташкил қилинди. Йил давомида бу курсларда 23312 қишлоқ хўжалик кадрлари ўқитилди. 64133 киши эса қайта тайёрланди. Уларнинг кўпчилиги пахтачилик, шоличилик, маккажўхорикорлик, галлачилик ва боғдорчилик бўйича комплекс механизациялашган бригадаларнинг бошлиқларидир. Бу курсларнинг қатнашчилари ҳам асосан новатор пахтакорлар, шоликорлар, маккажўхорикорлар, соҳибкорларнинг тажрибаларини, Тюпко, Любовь Ли ва Чуднан иш методларини ўргандилар.

Механик-ҳайдовчи, тракторчи, комбайнчи, чорвачиликни механизациялаш бўйича механизатор кадрлар тайёрлаш мақсадида «Узсельхозтехника»нинг кўпгина район бирлашмалари ҳамда деярли ҳамма совхозлар қошида қисқа муддатли курслар очилди. Ўтган йили бу курсларда 19.338 киши ўқиди. Булардан 9807 киши тракторчилик, 8351 киши механик-ҳайдовчилик, 1180 киши комбайнчилик касбини эгаллади.

Бу йил кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишига янада катта тайёргарлик кўрилган ҳолда киришилмоқда. Тажриба мактабларида ва курсларда ўқитилиши лозим бўлган кишилар сони кўпайтирилди. Мактаб ва курсларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Лекин, бундан ҳамма иш жойида. деган хулоса келиб чиқмайди. Бу соҳада ҳали кўп иш қилиш керак, қатор зарур тадбирларни амалга ошириш лозим. Масалан, тажриба мактаблари асосан республикамизнинг Тошкент областидаги хўжаликларда ташкил топган. Бу ҳол тажриба мактабларига бошқа областлардаги кадрларни жалб қилишда анча қийинчилик тугдирмоқда. Ўтган йили Андижон ва Фарғона областларидан чақирилган кишилар келолмаган эдилар. Бу ҳол бу йил ҳам такрорланиши мумкин. Илгор тажрибадан эса ҳамма областларнинг кадрлари баҳраманд бўлишлари керак. Республикамизда пахта ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, механизациялаш даражасини ва деҳқончилик маданиятини ошириш манфаатлари шуни тақозо этади.

Шу туфайли бошқа областларда ҳам ана шу тажриба мактабларининг доимий филиалларини очиш, область қишлоқ хўжалик бошқармаларида қишлоқ хўжалик ҳамда механизатор кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларининг иши билан шуғулланувчи бўлимлар ташкил этиш вақти келди. Бу ҳақда Қишлоқ хўжалик министрлигининг раҳбарлари яна бир бор ўйлаб кўришлари керак.

Т. РУЗИБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ЧУКОТКАДА ДОВУЛ

Шарқий Чукотканинг соҳил бўйидаги районларида 4 январь эрталаб бўлиб ўтган қаттиқ довул тўғрисидаги тафсилотларни ТАССнинг штатсиз мухбири Григорий Красногор Чукоткадаги Анадир посёлкасидан ёзиб юборди.

Ўша кунги ҳаяжонли тонг пайтида алоқачилар, йўлчилар, бинокорлардан тузилган оператив отрядлар алоқа ва электр линияларини тез тиклаб олишга муваффақ бўлдилар. Секундига 45 метргача тезлик билан қаттиқ шамол эсиб турганлигига қарамай, Қутб станцияларида, соҳилдаги ишчи посёлкаларида иш тўхтаб қолмади. Подачилар яйловларни ташлаб кетмадилар — улар кечаю кундуз мижжа қоқмай буғи подаларини довулдан мутқариб қолиш билан банд бўлдилар.

5 январда шамол тинди. Ленин Чукотка аҳолиси ҳали ҳаяжондан холи бўлгани йўқ — синоптиклар кейинчалик ҳам довул такрорланиши мумкин, демоқдалар. Тундранинг қаеридадир довулда қолиб кетган мактаб ўқувчиларини қидириб топиш учун жўнатилган группадан ҳали ҳам хабар келмади.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИДА

Ёзувчилар союзи президиумининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида 1967 йил учун СССР давлат мукофоти лауреатлигига ёзувчилар жамоатчилиги якдиллик билан Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия номзодини кўрсатдилар.

Ю. ҲАМДАМОВ.

ҲАР КУНИ ПЛАНДАН ТАШҚАРИ НЕФТЬ

АНДИЖОН областидаги энг кекса «Андижон» кони коллективи янги йил бошида мусобақани қучайтирди. Коллектив кунига пландан ташқари ёқилғи берамиз деган шиор остида ишламоқда. Нефтчилар дастлабки натижаларга эришдилар. «Қора олтин» қидирувчилари топшириққа қўшимча равишда қар куни камида 10-12 тонна нефть бериб турибдилар.

«Жанубий Оламушук», «Бўстон», «Полвонтош», «Чимён» ва «Шимолий сўҳ» конларининг меҳнатчилари ҳам янги йил бошидан буён ўзларига берилган топшириқларни ортиғи билан бажармоқдалар.

ПЕЛЕ РАДДИЯСИ

Янги йил арафасида Европадан Рио-де-Жанейрога машҳур бразилиялик футболчи Пеле учиб келди. Аэропортда журналистларнинг катта бир группаси уни кутиб олиб, саволлар беришди.

Пеленинг Германия Федератив Республикасига бир ҳафта муддатга келиб кетганлиги муносабати билан ғарб матбуоти машҳур футболчининг Бразилиядан Европанинг бирорта клуб командасига ўтиши тўғрисида ҳар хил шов-шув бошлаб юборган эди. Газеталарда қайд этилишича, у Милан шаҳрининг «Интернационале» ёки Мюнхеннинг «Бавария» командасига ўтмоқчи эмиш. Бу миш-мишлар океан оша Бразилияга ҳам етиб борди ва кенг мунозараларга сабаб бўлди. Пеле Рио-де Жанейродан Сан-Паула шаҳрига учиш учун тайёрланаркан, вақти зиқ бўлишига қарамай журналистлар билан суҳбатлашди:

— Мен тўғримда бошланган турли миш-мишлар асоссиз. Аввалгидек «Сантос» менинг жонажон клубим бўлиб қолади. Уни ташлаб кетиш тўғрисида ўйлаганим ҳам йўқ. Ғарбий Германияда эса олди-сотди ишлари билан шуғулландим. Бу миш-мишлар қаердан келиб чиқди? Илгари «Бавария» футбол клубининг президенти бўлган мюнхенлик саноатчи Р. Эндлерникида меҳмонда бўлган эдим. Биз кўпроқ иш юзасидан фикрлашиб олган бўлсак-да, Ғарбий германиялик журналистлардан бирортаси «ҳақиқат»ни билишга уриниб гўё менинг «Бавария»га ўтишим тўғрисида ғап тарқатиб юборган бўлса ажаб эмас. Италия клубига келганимизда эса мен уларнинг бир нечта бор қилган таклифларига ўз клубимга хиёнат қилмаслигимни айтганман. Мен «Сантос» клубимга ва Бразилия футболига хиёнат қилмайман.

1 сўмга «Волга»

БУЗ. (Телефон орқали). Бўз район матлубот жамиятининг раиси Аҳмаджон Рўзиматов СССР ДОСААФи чиқарган автомотодоторелнинг 427898 рақамли билетига «Волга» машинаси ютди.

А. МАМАЖОНОВ.

Б. АРКАДЬЕВ — «ПАХТАКОР»НИНГ ТРЕНЕРИ

«Пахтакор» командасининг собиқ тренери Михаил Яқушининг СССР терма командасига ишга ўтганлиги муносабати билан «Пахтакор» командасига СССРда хизмат кўрсатган тренер ва хизмат кўрсатган спорт мастери Борис Андреевич Арқадьев тренер қилиб тайинланди.

ҲОДИСА

ВАФОДОР ИТ

Қаҳратон қишда ўрмонда адашиб қолган тўрт ёшли қизалоқнинг қаётини вафодор ит сақлаб қолди. Бу воқеа Латвиянинг Бауска деган шаҳри яқинида юз берди...

Бауска район милиция бўлими навбатчисига ташвишли сигнал тушди:

— Ўрмонда қизча йўқолиб қолди!

Суриштириб ўтиришга сира вақт йўқ эди. Бу ерларнинг табиатига ҳос изгирин аъзоби баданни чимдиларди. Милиция ходимлари тушган машиналар бирин-кетин ўрмонининг ҳар томонига йўл олди. Бу ердаги ўрмон хўжалиги ишчилари, маҳаллий мактаб ўқувчилари ҳам ташвишланиб, қизчани қидиришга тушдилар. Қўларига фонар ва машъалалар ушлаган ҳолда тун бўйи бутун ўрмонни айланиб чиқишди. Аммо натижа бўлмади. Эртаси куни қизчани қидиришга 100 дан ортиқ киши иштирок этди. Кечқурунга яқин ишчи П. Рувелис овлоқ бир жойда жуда қўрқиб кетган ва йиғлаган қизни топди.

Қизчанинг кийимлари йиртилиб кетган эди. Маълум бўлишича, Вия деган бу қизчани ит ўрмондан олиб чиқиб кетмоқчи бўлган. Лекин қизча итнинг хохишига юрмагандан сўнг, ит бутун гавдаси билан қизчани ўраб олиб уни совуқдан асраган.

«Комсомольская правда»дан.

ЖУРНАЛИСТ—ПЕДАГОГ

Юбилярларимиз

Жонажон элига хизмат қилиб, унинг ҳурматига сазовор бўлишдан ортиқ бахт борми?! Эсини танигандан бери элга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган ва ҳозир журналистик фаолиятининг 35 йиллиги, навқирон 60 ёшлиги нишонланаётган Ориф Айюб мана шундай кишиларга мансубдир.

Ориф Айюбов революциянинг дастлабки йиллариданоқ мактаб-интернатда тарбия олди. 1926 йилда ўлка билим юртини тугаллаб, ўша вақтда энг узоқ округ ҳисобланган Хоразмга кўнгиллилар қатори маданий фронтга йўл олди. Жўшқин комсомол Ориф Айюбов Хивадаги Ленин номли етти йиллик мактаб-интернатга мудирлик қилди. Ўқитувчилик билан бир қаторда аҳолини саводли қилиш, эскилик қолдиқларига қарши курашда актив қатнашди. Унинг журналистик фаолияти ҳам худди мана шу даврдан бошланди. Ўша пайтда «Ёш ленинчи», «Қизил Ўзбекистон» газеталарининг актив мухбири сифатида хабарлар ёзиб турди.

Ориф ака 1929 йили газета ишига ўтиб, Тошкент округ партия комитетининг органи «Шарқ ҳақиқати» газетасида мухбир, сўнгра секретарь ёрдамчиси бўлиб ишлади. Шу-шу биз Ориф акани газета ва журнал редакцияларида кўрамиз.

1932—33 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси қарори билан чаласавод колхозчилар учун «Колхоз йўли» газетаси ташкил этилди. Газета ўз вазифасини ўтагунча Ориф ака унинг масъул секретари бўлди. Шу пайтларда «Қизил Ўзбекистон» газетасига илова тариқасида ҳафталик «Қизил тамға» газетаси чиқарила бошлади. Бу газетанинг вазифаси янги алифбени оммалаштиришдан иборат эди. Ориф Айюбов шу ҳафталикни ташкил этишда қатнашиб, унга масъул секретарлик қилди.

1940 йилдан то ҳозирга қадар Ориф ака «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналида хизмат қилиб келмоқда. Ориф ака жуда кўп матбуот ходимларига журналистика асосларини ўргатиш, қаламкаш ёшларни тарбият қилишда хизмати кўп синган одам. Ленин комсомолининг кекса гвардияси аъзоларига мансуб бўлган Ориф Айюбов 43 йилдан бери комсомоллар орасида десан бўлади. У ҳозир ҳам Тошкент шаҳар, Октябрь район комсомол комитети ҳузуридаги шоҳли Ленин комсомоли иши Советининг аъзоси. Ўзи каби ветеран комсомоллар қатори ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда тинимсиз ишлаб келмоқда.

Кекса журналист, меҳрибон тарбиячи, эл хизматкори Ориф Айюбов 60 ёшга тўлган кунида узоқ умр, ижодий ишларида янги парвозлар тилаймиз.

С. ҲАСАНОВ.

Халқаро ҳаёт

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ҲАҚ ИШ ТАНТАНА ҚИЛАДИ

4 январда Москва жамоатчилиги вакилларининг империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашда уч қитъа халқлари билан бирдамлик ҳафталигига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг озодлик, мустақиллик, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашаётган халқларига қардошлик саломини йўлладилар.

Якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда империализмга ва мустамлакачиликка қарши кучлар эришган жуда катта муваффақиятлар ва ғалабалар таъкидлаб ўтилади.

Совет халқи, деб уқтириб ўтилади резолюцияда, қаҳрамон Вьетнам халқининг Америка империализми агрессиясига қарши олиб бораётган курашини катъий қўллаб-қувватламоқда.

Резолюцияда Португалия мустамлакаларидаги халқларнинг ўз озодлиги учун, Арабистон ярим ороли жанубидаги халқларнинг Британия империализмига қарши олиб бораётган қаҳрамонона кураши билан, Латин Америкаси халқларининг миллий озодлик кураши билан бирдам эканлик изҳор қилинади.

Йиғилиш қатнашчилари тинчлик, адолат, халқлар озодлиги ва мустақиллигини азиз деб билган ер юзидаги барча соф виждонли кишиларга мурожаат қилиб, уларни империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши олиб борилаётган бирлашган кураш фронтига яна ҳам маҳкамроқ жипслашишга чақирдилар. (ТАСС).

Ғарбий Германия аҳолиси янгидан активлашаётган қора кучлар хавф туғдираётганлигини тан олмоқда. Утакетган нацистлар миллий демократик партия ниқоби остида ГФР сиёсий майдонига очиқдан-очиқ интилмоқдалар. Юқоридаги суратда ёзувчи Карл Майёр-Амери Мюнхен шаҳрида нацистлар сиёсатига қарши ўтказилган жуда катта намойиш қатнашчиларига фашизм хавфи кучайиб кетаётгани тўғрисида гапирмоқда.

АДН—ТАСС фотоси.



Ғарбий Германия экономикасининг аҳволи ҳам танг. Унинг кўпгина тармоқларида маҳсулот сотилмасдан қоляпти. ГФР хўжалик министри Шиллернинг ўзи ҳам бу ҳақда «Индустрикурир» газетасида автомобиль саноати «жуда катта қийинчиликларга» дуч келаётганини тан олиб ёзган. Пастдаги суратда худди Рур областида сотилмасдан қолаётган кўмир ғарамлари каби айрим заводларнинг территориялари сотилмаган машиналар билан тўлиб кетганини ҳам кўриш мумкин.

Кейстон—ТАСС фотоси.

ПЕКИНДАН ҚАЙТИБ КЕЛГАН ЖУРНАЛИСТЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Пекиндан Москвага қайтиб келган уч совет журналисти 4 январда ўз ҳамкасаблари билан учрашди. Пойтахтдаги Марказий журналистлар уйида матбуот конференцияси бўлди.

СССР Журналистлар союзи правлениесининг секретари В. Н. Чернишев «Известия» газетасининг мухбири Ю. Л. Косюковни, «Комсомольская правда» газетасининг мухбири А. С. Крушинскийни ва ТАСС мухбири Г. К. Арслоновни табриклади. У, шу ерда ҳозир бўлган кишиларни Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министрлигининг тамомила асоссиз талабларига мувофиқ, Хитойдан қайтиб келган совет мухбирлари билан таништирди. Хитой томони, деди В. Н. Чернишев, Хитойдаги совет мухбирларининг фаолияти тўғрисида туҳматдан иборат уйдирмаларни тўқиди, мамлакатимиз шаънига дағал антисовет таъна гаплар айтилишига йўл қўйди СССР Журналистлар союзи Пекинда ўз вазифаларини ҳалол бажариб келган мухбирларимизнинг иши тўғрисидаги туҳмат гапларни қатъиян рад этади.

Мухбир Ю. Л. Косюков матбуот конференциясида мен ва менинг шерикларим Пекинда бўлган вақтимизда жуда ишончли, объектив ва текширилган фактлар асосида ўз мамлакатимизнинг жамоатчилигига хабар бериб турган эдик, деди. Биз, деб таъкидлади у, СССР ва Хитой халқлари ўртасидаги дўстлик манфаатларини доим ҳар нарсадан азиз, деб билдик.

«Комсомольская правда» мухбири А. С. Крушинский журналистика практикасида кўп марта учраган қийинчиликларга тўхталиб ўтди.

Матбуот конференциясида ТАСС мухбири Г. К. Арслонов сўзга чиқиб, совет журналистлари пролетар интернационализмининг юксак туйғуларига амал қилиб, ўз бурчларини бажардилар, деди.

(ТАСС).

ЛЕСОТОДАГИ АҲВОЛ

ПАРИЖ, 5 январь. (ТАСС). Лесото бош министри Леабуа Жонатан кеча ўз уйига қамаб қўйилган бош раҳбар Мошеш II билан учрашди ва бош раҳбар билан мамлакат ҳукумати ўртасидаги можарони бартараф қилиш шартларини унга айтиб берди. Бу шартлар қабилаларнинг традицион ҳокимлари кенгаши томонидан ишлаб чиқилган. Франс Пресс агентлиги мухбирининг Масерудан хабар беришича, ана шу шартларнинг бири бош раҳбар конституцияда кўзда тутилган ваколатлар доирасидан четга чиқиб кетган тақдирда уни ҳокимиятнинг бош раҳбари ҳуқуқларидан маҳрум этишни назарда тутади.

Шу билан бирга Леабуа Жонатан Жанубий Африка Республикасининг бош министри Форстер билан музокаралар олиб бориш учун 10 январда самолётда Кейптаунга учиб кетиш ниятида эканлигини ҳам айтди.

Мошеш II мамлакатнинг конституциясини ва Жонатан ҳукуматининг сиёсатини, жумладан унинг Жанубий Африка Республикасидаги ирқчилар режими билан алоқаларини мустаҳкамлашга интилаётганлигини бир неча бор кескин танқид қилган эди. Полиция бош раҳбар тарафдорлари билан иғвогарлик мақсадида тўқниш уюштирганидан кейин Лесото ҳукумати Мошеш II ни ўз уйига қамаб қўйди, шунингдек унинг тарафдорларидан бир қанча кишини қамоққа олди ва мамлакатдан сургун қилиб юборди. Қамоққа олинганлар орасида Басутоленд конгресси оппозициячи партиясининг аъзолари ва раҳбар арбоблари бор.

ЕВРОПА СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

РИМ, 4 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда Европа мамлакатларидаги социалистик ва социал-демократик партиялар раҳбарларининг кенгаши очилди. Кенгаш икки кун давом этади ва яширин вазиятда ўтказилади.

Кенгашда жаҳондаги молиявий проблемаларни, социалистик ва коммунистик партиялар ўртасидаги муносабатларни ҳамда Англиянинг «умумий бозор»га кириши ҳақидаги масалани муҳокама қилиш кўзда тутилмоқда.

Кенгашда Англия, Германия Федератив Республикаси, Италия, Франция, Финляндия ва бошқа мамлакатлардаги партияларнинг раҳбар арбоблари қатнашмоқда.

ЖАНГЛАРНИНГ ЯКУНЛАРИ

ХАНОЙ, 5 январь. (ТАСС). Вьетнам Информация агентлиги «Патет-Лао овози» радиосининг эшиттиришига асосланиб хабар беради: Лаоснинг ватанпарвар қуролли кучлари ўтган йил давомида душман солдат ва офицерларидан 2.092 кишини сафдан чиқардилар.

АМЕРИКА ЖУРНАЛЛАРИНИ ТАРҚАТИШ ТАҚИҚЛАНДИ

БРАЗЗАВИЛЬ, 4 январь. (ТАСС). Конго Республикаси (Браззавиль) информация министрлиги мамлакатда 1 январдан бошлаб Американинг «Тайм», «Лайф», «Плейбой» журналларини, шунингдек АҚШдан келтириладиган жуда кўп детектив ва «жосуслик»ка оид китобларни сотиш ва тарқатишни тақиқлади.

Яхши қўшничилик муносабатларига катта имконият туғдирувчи йўл

ДЕҲЛИ, 5 январь. (ТАСС). 10 январда Тошкент Декларацияси имзоланган кунга бир йил тўлади. Шу муносабат билан парламент аъзоси, маданий алоқаларни ривожлантириш Ҳиндистон—Совет жамиятининг бош секретари Аржун Арора қуйидагиларни айтди: Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги сулҳ озодлигимизни мустаҳкамлаш учун ва иқтисодий ҳамда маданий тараққиётимиз учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир.

«Совет ҳукумати ва унинг бошлиғи А. Н. Косигиннинг самимий ва дўстона ҳаракатлари туфайли, деб таъкидлади Аржун Арора, Тошкент кенгашини ўтказиш мумкин бўлди. Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга халақит берадиган қийинчиликларни бартараф қилиш йўлини ана шу кенгаш кўрсатиб бера олди».

ХОТИРА (Ҳажвия)

Портфель кўтарган икки йигит хиёбондан юпқагина қорни ғарч-ғурч босиб келишарди. Новча бўйли Каримжон ўнг қўлини ҳаракатлантириб тинмай сўзлар, пакана бўйли Мўминжон эса илжайганича унга қулоқ соларди.

— Хотира деган нарса, мен сизга айтсам, ҳар кимда ҳар хил бўларкан. Бировлар бор — бугун кўрган одамини эртага танимайди. Бировлар бор — бир кўрганини эллик йилдан кейин ҳам топиб олади... Менинг ҳам кўз хотирам яхши, нолимайман. Тунов куни Самандар билан бирга енгил машинага чиқдик. Шофёрини мен ўша заҳоти танидим. «Ҳа, ошна, ишлар қалай?» десам, менга ҳайрон бўлиб қарайди. Аслида бундан ўн йил олдин институтда бирга имтиҳон топширувдик. У битта имтиҳондан йиқилиб кетиб қолувди. Шу гапни эсига солувдим, хотирамга қойил қолди. Ана шунақа, дўстим Мўминжон, бир кўринган одам мендан қочиб кетолмайди... Ўзингизга маълумки, бугун каминанинг туғилган кунлари, ресторанга бир кириб ўтсак нима дейсиз? Тоблари қалай?

Мўминжон шеригига бир қараб қўйди-да, илжайганича:

— Майли, кирсак кирақолайлик, — деди.

Шериклар ресторанга киришди. Ҳали вақт эрта бўлгани учун деярли ҳамма столлар бўш эди. Улар ўртадаги стол атрофига ўтиришлари билан официант қиз югуриб келди. Каримжон дарҳол менюни қўлига олиб, кўз югуртириб чиқди.

— Бизга иккита бифштекс, уч юз грамм коньяк ва салат...

Официант буюрилган нарсаларни ёзиб олиб, буфетга кетиши билан қадди-қомати келишган, басавлат бир киши столга яқинлашди.

— Сизларга шерик бўлсам майлими? — деди у Каримжон билан Мўминжонга бир-бир қараб. — Якка ўзим ўтиришга истиҳола қиляпман.

— Ўтиринг, марҳамат, — деди Каримжон.

— Қалай, соғлиқларингиз яхшими? — деди янги келган киши индамай ўтиравермаслик учун.

Каримжон унга тикилиб қолди.

— Мен сизни қаердадир кўрганга ўхшайман.

Нотаниш одам кулди:

— Мени кинода кўрган бўлсангиз керак.

— Ҳа, тўғри, тўғри, — деди Каримжон бирнимани эслагандек.

Шу орада янги келган кишини бир одам ташқарига имлаб чақириб кетди.

— Мана шу одам киноартист бўлади, — деди Каримжон шеригига. — Фамилиясини аниқ билмайман, қайси кинода чиққишини ҳам эслолмай турибман. Аммо ўзи зўр артист... Кўрдингизми, мен билан юрсангиз, ана шунақа улуғ одамлар билан учрашасиз...

Официант буюрилган таомларни келтириб қўйди. Каримжон киноартист учун яна битта бифштекс буюрди. Киноартист қайтиб келиб жойига ўтирди.

— Биз сизга ҳам овқат буюрдик, — деди Каримжон унга.

— Э, овора бўлиб нима қилардинглар, чакки бўпти-да.

Каримжон киноартистга кичкина қадаҳда коньяк узатди:

— Биз билан жиндаккина оласиз-да, энди.

— Йўқ, менга ичиш мумкин эмас. Умуман ичаман-у, лекин ҳозир мумкин эмас. Сизлар бемалол олаверинглар.

Официант келган эди, Каримжон унга яримта оғзи очилмаган коньяк буюрди. Кўп ўтмай коньяк ҳам стол устида пайдо бўлди.

— Биз билан ичмаганингиз учун, — деди Каримжон киноартистга, — мана шуни олиб кетасиз.

— Нега? — деди киноартист овқат ейишдан тўхтаб. — Тинчликми ўзи?.. Ёки бирортамизнинг туғилган кунимизми?..

— Топдингиз, худди шунга яқинроқ, — деди Каримжон камтарлик билан илжайиб. — Оласиз-да, энди, биз сиз билан учрашганимиздан хурсандмиз.

Овқат устида кам гаплашдилар. Каримжон билан Мўминжоннинг юзи қизарган эди-ю, киноартист олдида бўлмағур гапларни гапириб қўймайлик, деб одоб сақлаб ўтирдилар. Официант ҳисоб-китобга келган эди, Каримжон киноартистга чўнтак кавлатгани қўймади. Уччовлари ташқарига чиқдилар. Киноартист хайрлашиш учун қўл узатди.

— Кечирасиз, — деди Каримжон унинг қўлини ушлаб, — исм-фамилиянгиз ёдимиздан чиқиб қолди. Ундан кейин, ҳалиги, сиз қайси киноларда роль ўйнагансиз?

— Мен кинода ҳеч қанақа роль ўйнаганим йўқ, — деди у Каримжонга бепарво тикилиб. — Мен — шофёрман, такси ҳайдайман.

— Мени кинода кўргансиз, дедингиз-ку боя?

— Ахир неча кино залида ёнма-ён ўтирдик-ку, эсламадингизми?

— Э, бундай демайсизми?..

— Ҳа, шундай... Хўп, омон бўлинглар.

У хайрлашиб кетди.

— Ана кўрдингизми, — деди Каримжон шеригига, — илм, маданият кундан-кунга ривожланиб кетяпти-да. Баъзан артист билан шофёрнинг ҳам фарқига бормай қоласан, киши...

Оқилжон ҲУСАНОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

АКУЛАНИНГ ЖИГАРИ ВА РАК ШИШЛАРИ

Америкадаги онкологлар жамиятининг аъзоси, доктор Жон Г. Геллер яқинда қизиқ бир маълумотни билдирди: у акуланинг жигаридан ҳар хил моддалар олиб, шу моддалар билан рак ўсимталарини йўқотишга муяссар бўлибди. Бу модданинг кимёвий таркиби ҳозирча аниқланмаган.

Доктор Геллернинг айтишича, акула рак касали билан ҳеч оғримас экан. Демак акулада бу касалликка қарши курашувчи қандайдир бир модда бўлиши керак. Тажрибага қўйилган 1500 дан ортиқ товуқ, сичқонлар акула жигаридан олинган модда билан эмланди. Натижа жуда яхши чиқди: ҳайвонларнинг ярмидан кўпи тузалиб кетди.

«ЗНАНИЕ — СИЛА»дан.

ХАВФСИЗЛИКНИ ЎЙЛАБ...

Испаниядаги Виро шаҳрида яқинда ажойиб бир воқеа бўлди. Маҳаллий клубнинг тренери Рамирес Пачеко:

— Мен энди арслонларни циркда ўйнашга тайёрлайман, деб қолди. — Чунки, арслонларни ўргатиш, футболчиларни машқ қилдиришдан кўра хавфсизроқдир.

Пачеконинг бундай хулосага келишига сабаб бор: Яқинда у тренерлиқ қилаётган команда уч марта кетма-кет мағлубиятга учради. Шундан кейин футбол ишқибозлари Пачеконинг уйини куйдирмоқчи бўлиб, ҳовлисига бостириб бордилар.

«ЗА РУБЕЖОМ»дан.

БОЛАЛАР УЧУН

Нега юлдузлар нур сочади? Нега денгиз суви шўр? Нега жирафанинг бўйи узун? Ота-оналар ўзларининг болалар боғчасидан мактаб остонасига қадам қўяётган нури дийдаларидан минглаб ана шундай саволлар эшитадилар. Бу саволларнинг ҳаммасига Москвадаги «Болалар адабиёти» нашриёти босиб чиқарган «Инсониятнинг катта уйи» китоби жавоб беради. Китоб кўзга кўринган совет олимлари коллективи, ёзувчилар ва журналистлар иштирокида яратилди. Ёш китобхонлар ундан ҳайвонот ва ўсимлик дунёси тўғрисида ва Ернинг, одамнинг пайдо бўлишига оид ҳикоялар ўқийдилар.

ҚАЙҒУЛИ ҚИССА

«Жаҳонда Ромео ва Жульетта қиссасидан ҳам қайғулироқ қисса бўлмаса керак». Улуғ мутафаккир Шекспирнинг бу сўзларини бутун дунё билади. Бразилияда эса бутунлай бошқа «она бўлган эркак тўғрисида» қисса маълум. Яқинда бу ғуссали қиссанинг яна бир саҳифаси очилди.

Бу воқеа мамлакатнинг энг чекка ва камбағал Ложес до Кальдеро деган кичик бир қишлоқчасида содир бўлди. 19 ёшли оддий мардикор Жозе Жоао эрталабдан кечгача кунига 50 цент пул учун ишларди. Бундан икки ой муқаддам Жозе Жоао туғди. Шундагина у хотин мардикор эканлиги маълум бўлиб қолди. У кўпроқ пул топиш мақсадида эркак кийимида ишлаган экан. Бразилияда эса хотинларга эркакларга нисбатан иш ҳақи кам бериладн.

Жозе Жоао боласи билан ҳозир ҳам ўша қишлоқда яшаб, эртадан кечгача далада меҳнат қиляпти. Лекин энди унга аввалги иш ҳақининг ярмини тўламоқдалар.

ЖАҲОНДА ЯГОНА

Амстердам шаҳрида чиқадиган «Де фолькстрант» газетасининг хабар беришича, Нидерландиянинг Дельфт университетида дунёда биринчи автомат кутубхона пайдо бўлди. Китобхон кутубхонанинг каталоглар залига қўйилган олти телефоннинг бири орқали ўзига керакли номерни терса бас, шу заҳотиёқ ўқувчи хоҳлаган китоб унга етиб келади.

Талаб қилинган китоб бор бўлса махсус лифт билан китобхонга тушади. Кераклн китоб йўқ бўлса махсус белги билан каталоглар залига маълум қилинади.

Автомат системанинг жорий этилгани туфайли китоб кутиш муддати кескин қисқарди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ўзбек халқ қўшиқлари, 9.30—М. Муҳамедов чалади, 9.45—Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (тож.), 10.30 — Қўшиқлар, 11.10—Халқ контроли амалда, 11.25 — Симфоник куйлар, 12.15 — Спорт (рус.), 12.30 — Концерт (эстрада артистлари), 13.30 — Фортепьяно куйлари, 16.15 — Музикали соат (ёшлар учун), 17.20 — Уйғур куйлари, 18.10—Н. Поставничева ва С. Яковенко куйлайди, 18.30—Д. Соатқулов. «Фарғона квартети», 19.20—Озарбайжон куйлари, 20.00 — «Октябрь» радиостанцияси, 20.30 — Концерт (бадиий ҳаваскорлар), 21.20 — «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» музикали драмасининг монтажи, 23.10 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 11.00 — **Қор қиз** (мультфильм).

Ўзбек тилида: 12.10 — **Чемпион** (телеинсценировка), 12.35 — **Чол ибн Хаттоб** (бадиий фильм), 17.00 — **В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар** (болалар учун), 17.30 — **Телевизион янгиликлар**, 17.45 — **Мен ва газ колонкаси** (кинофильм), 17.55 — **Истиқбол эгалари** («Ёшлик» студияси), 18.55 — **Қалам ва қуш** (кинофильм), 19.15 — **Совет Шарқи эстрада куйлари**, 20.10 — **Телевизион янгиликлар** (рус тилида), 20.20 — **Қўшиқчи шоирлар** (Уткир Рашид).

21.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 — **Хўроз ва бўёқ** (болалар учун кинофильм), 18.25 — Ўқув программаси. **Чизма геометриядан дарс** (сиртдан ўқувчи студентлар учун), 19.30 — **Телевизион янгиликлар**, 19.40 — **Табассум ҳамроҳингиз бўлсин, Сирли суҳбат** (телефильмлар).

Ўзбек тилида: 21.00 — **Табриклаймиз** (ҳужжатли фильм), 21.20 — телевизион янгиликлар, 21.30 **Концерт** (ёш ижрочилар), 22.10 — **Улар ўта олмайдилар** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 7/I да кундуз **Мирондолина**, кечқурун **Аида**, 8/I да кундуз **Ҳамза**, кечқурун **Мирондолина**.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/I да кундуз **Қутлуғ қон**, кечқурун **Оқ кабутар**, 8/I да кундуз **Парвона**, кечқурун **Ой тутилган тунда**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи **Иван Рубан ва ўзбек цирк коллективи иштирокида Циркда арча.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/I ва 8/I да **Катта концерт.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА

11 ва 15 январда

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

В. Шекспир асари
Ўзбекистон халқ шоири
Уйғун таржимаси

Вероналик икки йигит

3 пардали романтик комедия

Режиссёр — Н. Отабоев, рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми Р. А. Рифтин.

Коллектив бўлиб кўриш учун аризалар қабул қилинади.

Спектакль кеч соат 7 да бошланади.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

институтга кирувчиларни тайёрлов курсига (пуллик)

ЙИЛ БЎЙИ

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тингловчиларга: **математикадан-10, физикадан-6, химиядан-3, рус тили ва адабиётидан-2 ўқув вазифалари ва контроль ишлар** юборади.

Тошкентда яшовчилар учун якшанба кунлари эрталаб соат 10 дан кундуз 3 гача консультациялар ўтказилади.

Аризага ўрта маълумотлилиги ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси ва иш жойидан справка қўшиб берилади.

Ўқиш ҳақи 18 сўм. Пул почта орқали қуйидаги адресга юборилади: Тошкент шаҳар, Давлат банки бошқармаси, счёт № 114157.

Курснинг адреси: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 13-уй 2-корпус, 81-хона.

Ўзбекбирлашув правлениеси, партия ва касаба союз ташкилотлари матлубот кооперация системасининг собиқ хизматчиси, Республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер

Абубакир Абдуллаевич ИСМАТУЛЛАЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

ЎЗССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ БОШ БОШҚАРМАСИ

ГОССТРАХ

КОЛХОЗ ИДОРАЛАРИ, КОЛХОЗЛАРАРО КОРХОНА СОВЕТЛАРИ, ТАШКИЛОТ ВА ГРАЖДАНЛАР

ДИҚҚАТИГА

МАЖБУРИЙ ОКЛАДЛИ СТРАХОВАНИЕСИ ҚОНУНИ БЎЙИЧА

Ўзбекистон республикаси страхование органлари **колхоз, колхозлараро корхона советлари, ташкилот ва гражданлар** хўжалигидаги мажбурий оклад страхованиесига тегишли буюмларни **ҳисобга олишга киришдилар.**

Колхоз, колхозлараро корхона советлари ва ташкилотларда қуйидагилар ҳисобга олинади:

қурилишлар, асбоб-ускуналар, инвентарлар, транспорт воситалари (механизациялаштирилгандан ташқари), ов кемалари, озиқ-овқатлар, хомашё ва материаллар;

қишлоқ хўжалик экинлари (шу жумладан рассадник, парник ва теплицадагилар ҳам), кўчатзор ва мевали боғлар, мевазор ва узумзорлар;

Йирик шохли моллар, қўйлар, эчкилар ва 6 ойликдан бошлаб чўчқалар, 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган отлар, 1 ёшдан бошлаб туялар, эшаклар, хачирлар, 6 ойликдан тойча ва бўталоқлар.

Гражданлар хўжалигида мажбурий окладли страхованиесига қуйидаги шахсий буюмлар ҳисобга олинади:

Доимий жойга ўрнатилган, деворлари тикланиб томи ёпилган қурилишлар;

6 ойликдан бошлаб йирик шохли моллар, 1 ёшдан 18 ёшгача отлар, қўйлар, эчкилар, туялар эшак ва хачирлар 1 ёшдан бошлаб, 9 ойликдан чўчқалар.

Рўйхат вақтида ҳисобга олинган буюмларнинг страхование тўловлари қуйидаги муддатларда топширилади:

колхозлар учун—30 проценти—**1 июнгача,** 30 проценти—**15 сентябргача,** ва 40 проценти—**1 ноябргача;**

гражданлар учун—50 проценти **1 майгача,** ва қолган 50 проценти —**1 сентябргача** (ҳар йили).

Страхование тўловларини колхозлар, колхозлараро корхона советлари ва ташкилотлар **Госстрахнинг СССР Давлат банки муассасаларидаги инспекция счётларига;**

қишлоқ жойларида яшовчи гражданлар — **меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Советларига;**

шаҳар жойларда яшовчи гражданлар — **Госстрахнинг инспекторлари ва инспекция агентларига ва омонат кассаларга;**

қишлоқ ва шаҳар жойларда яшовчи гражданлар ҳам страхование тўловларини Госстрахнинг СССР Давлат банки муассасаларидаги счётларига **почта орқали юборишлари ҳам мумкин.**

Муддатида топширилмаган страхование тўловларига қонунга мувофиқ белгиланган процент миқдорида пени пули ҳисоблаб борилади.

Колхоз, колхозлараро корхона ва ташкилот раҳбарлари, гражданлар Госстрах органларига мажбурий оклад страхованиесига тегишли буюмларни ҳисобга олишда биргаликда кўмаклашишлари керак.

Ўзбекистон ССР Давлат страхование бош бошқармаси.

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — B36545, Редактор ўринбосарлари — B37914, B39323, Масъул секретарь — B34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — B37283, Партия турмуши—B33469, B37221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — B31216, Коммунистик тарбия — B31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — B34780, Совет қурилиши — B33258, Қишлоқ хўжалик—B37604, Адабиёт ва санъат — B32036, B37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — B34421, Маҳаллий ахборот — B32347, Оммавий ишлар ва хатлар — B39005, B33553, Иллюстрация — B34524, Стенографистка — B37343, Корректура — B37162, Эълонлар — B38142, Коммутатор — B30249, B30250, B30251, B30252, B30253, B30254, B30255, B30256, B30257, B30258.

№ А — 6. ИНДЕКС 64543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 05012.